

Ватанимиз инсон қадри ва бахти улуғланадиган том маънодаги тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат диёрига айланиб бормоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
30-iyul
chorshanba
№ 30 (1457)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

www.uzhurriyat.uz



hurriyatuz@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар!

Мамлакатимизда ягона ва аҳил оила бўлиб яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолин-гизда кўпмиллатли бутун халқимизни 30 июль — Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан самимий муборак-бод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, юртимиз заминида қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган этник хилма-хиллик ноёб ижтимоий ҳодиса бўлиб, бугун — Янги Ўзбекистон шароитида янгича маъно-мазмун ва аънаолатга эга бўлиб бораётгани диққатга сазовордир.

Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган Ватанимиз айнан шу асосда ин-сон қадри ва бахти улуғланадиган том маънодаги тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат диёрига айланиб бормоқда, де-сам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимиздаги тинчлик ва бар-қарорликнинг муҳим омилли бўлган миллатлараро муносабатларни ривож-лантиришни биз юртимизда демократ-ик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўна-лиши сифатида белгилаб олдик ва бу борада улкан ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Аввало, соҳага доир давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиб, унинг ҳу-қуқий ва институционал асослари мус-таҳкамланди.

Энг муҳими, бу йўналишда давлат

ва нодавлат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилиб, улар-нинг имкониятлари бирлаштирилиб, тизимли ва кенг миқёсда иш олиб бо-рилмоқда.

Биргина мисол — мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 157 та мил-лий-маданий марказ, 42 та дўстлик жамияти ва хориждаги 100 дан ор-тиқ ватандошлар жамоат бирлаш-малари давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимизда дўстлик ва бағрикенглик муҳити, миллий ва умум-башарий қадриятлар уйғунлигини мус-таҳкамлаш, чет эллар билан маданий-маърифий алоқалар, халқ дипломатия-сини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кўплаб ижобий натижаларга эришмоқда.

Биз ўзининг ҳалол меҳнати, ватан-парварлик фазилатлари билан респу-бликамизнинг ижтимоий-иқтисодий са-лоҳиятини оширишга беқиёс ҳисса қў-шиб келаётган турли миллатга мансуб юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар давлат ва жамоат ташкилотларида турли масъул лавозим-ларда чин дилдан меҳнат қилишмоқда, фидокорона хизматлари учун Ватани-мизнинг юксак мукофотлариغا сазовор бўлишмоқда. Уларнинг орасида депу-тат ва сенаторлар, таниқли ишлаб чиқа-риш вакиллари, тадбиркорлар, таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат ва спорт намояндалари борли-гини барчамиз яхши биламиз.

Ўз тақдир ва келажагини Ўзбекис-тон билан боғлаган бундай олижаноб юртдошларимиз тарихий ватанлари билан мамлакатимиз ўртасида дўст-

лик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳ-камлашда ҳам алоҳида намуна кўрсатишмоқда.

Миллий-маданий марказларнинг барчамиз учун умумхалқ байрамла-рига, гўзал қадриятларга айланиб кет-ган Наврўз ва Мустақиллик тантана-лари, бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда доимо фаол иштирок этиб келишаётгани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Барчамиз биргаликда нишонлаёт-ган бугунги байрам — Халқлар дўстлиги куни ҳам халқимизнинг тинчлик, дўст-лик ва эзгулик ғоялари мужассам бўл-ган бой маданияти, урф-одат ва аъна-налари яққол намойиш этиш учун яна бир катта имконият эканини таъ-кидлаш лозим.

Сўнгги йилларда қатъий сиёсий иро-дамиз билан минтақамиздаги қардош давлатлар билан дўстона алоқалари-миз янги босқичга кўтарилиб, дунё сиё-сатида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора ва воқелик пайдо бўлгани барча-мизнинг умумий ютуғимиз, десак, тўғри бўлади. Бу ҳақда гапирганда, шу йил март ойида Ўзбекистон — Қирғизистон — Тожикистон чегаралари ўзаро туташган нуқтада “Дўстлик” стеласи ўрнатилгани ўртамиздаги яхши қўшничилик ва стра-тегик шериклик муносабатлари мустаҳ-камланиб бораётганидан яна бир ёр-қин далолатдир.

Ҳурматли юртдошлар!

Дунёнинг турли минтақаларида мил-лий ва диний асосда турли низолар давом этаётган ҳозирги ўта таҳликали шароитда ягона Ўзбекистон ғояси асо-сида энг катта бойлигимиз — юртимиз-даги осойишталик ва барқарорлик,

ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни мил-лий ва умуминсоний қадриятлар, би-лим-маърифат, касб-хунарлар эгаси этиб тарбиялаш, инклюзивлик тамо-йилларини чуқурлаштириш борасидаги ишларимизни келгусида ҳам изчил да-вом эттирамиз.

Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланадиган барча миллат ва кон-фессиялар вакиллари ҳамда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва ман-фаатларини Конституция ва қонунла-римиз талаблари асосида ҳамма жойда қатъий ҳимоя қилиш учун бор куч ва им-кониятларимизни сафарбар этамиз.

Сиз, азизлар Ватанимизнинг иқтисо-дий ва ижтимоий кудратини ошириш, халқро миқёсдаги обрў-эътиборини кўксалтириш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилиб, бутун куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз, ис-теъдод ва маҳоратингизни, касбий ва инсоний салоҳиятингизни тўла намоён этасизлар, деб ишонаман.

Барчангизни бугунги шуқуҳли бай-рам билан яна бир бор қизгин табрик-лайман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, мамла-катимиз равнақи йўлидаги олижаноб фаолиятингизда янги зафарлар, оила-вий бахт, хонадонларингизга файзу ба-рака тилайман.

Барчамиз учун ягона Ватан бўлган жонажон Ўзбекистонимиз доимо омон бўлсин, ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистоннинг янги сиёсати туфайли Марказий Осиё минтақасидаги вазият тубдан ўзгарди

Европа ташқи ҳаракатлар хизматининг муҳим критик минераллар бўйича катта маслаҳатчиси Люк Девинь Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида “Дунё” АА учун берган интервьюсида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали натижалари ҳақидаги фикрларини билдирди:



бекистон кейинги йилларда на-қадар жадал ривожланиб, мо-дернизация қилинаётганини кў-риш қувонарлидир.

Ўзбекистоннинг янги сиё-сати минтақадаги барча дав-латлар билан яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлан-гани туфайли Марказий Осиё-даги вазиятни бутунлай ўзгар-тирди. Чегара масалаларини биргаликда ҳал этиш, минтақа давлатлари ўртасида чегара пунктларини очиш, сув муаммо-ларини ҳал этиш каби ижобий натижалар қайд этилди. Биз минтақада қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол ҳам-корлик, жумладан, сармоявий шериклик ривожланаётганини кўрапмиз.

Европа Иттифоқи минтақа-вий ҳамкорликнинг ушбу ижо-бий жараёнларини қўллаб-қув-ватлашга интилади, савдонинг ривожлантириш ва аҳоли форо-вонлигини оширишга қаратил-ган интеграция соҳасидаги таж-рибасини Марказий Осиё мам-лакатлари билан ўртоқлашади.

Шу нуқтаи назардан, 2022 йилда Самарқандда бўлиб ўт-ган Европа Иттифоқи ва Мар-казий Осиё ўртасида барқарор алоқалар бўйича конферен-ция, шунингдек, 2025 йил а-прель ойида бўлиб ўтган “Мар-казий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити муҳим воқеа бўлди.


Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон Европа билан муносабатларни ривожлан-тиришдан манфаатдор эканли-гидан жуда мамнунмиз.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкор-ликнинг ижобий динамикасини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунда Президент Шавкат Мир-зиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳал қилувчи таъсир эга.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон-Европа му-носабатлари самарали ривож-ланиб, кундан-кунга яхшила-ниб бормоқда. Умид қиламизки, алоқаларимиз бундан кейин ҳам янада мустаҳкамланади.

Дунё” АА.
Брюссель шаҳри.

СЕМИНАР



ёки журналистларнинг технологик саводхонлиги ва рақамли дунё билан уйғунлашуви

Бугун сунъий интеллект жамиятнинг турли соҳаларига жадал қилиб бормоқда. Электрон оммавий ахборот воситалари эса аллақачон бу тизим имкониятларини ишга солиб, самарали натижалар олишга ҳам улгурди. Айниқса, AI (artificial intelligence) — сунъий интеллект соҳаси инсоният келажагини бутунлай ўзгартириб юбориши тобора ойдинлашиб бормоқда.

Сунъий интеллект нима, ундан ижтимоий ҳаёт соҳаларида қандай фойдаланилади? Қандай аф-залликларга эга? Бу жуда мукаммал дастурлар эканлигини кўпчилик англаб етди. Сунъий ин-теллект — информатиканинг алоҳида соҳаси бў-либ, одатда, инсон онги билан боғлиқ имконият-лар: тилини тушуниш, ўргатиш, муҳокама қилиш, масалани ечиш, таржима ва шу каби имконият-ларга эга компьютер тизимларини яратиш билан шуғулланади. Бугунги кунда кўпчилик фойдала-наётган сунъий интеллект дастурларидан бир бу

— “ChatGPT”. Бу — матн ёзиш, расм яратиш, са-волларга жавоб бериш, ҳаттоки суҳбатлашиш им-кониятларини ҳам беради.

Электрон оммавий ахборот воситалари эса ал-лақачон бу тизим имкониятларини ишга солиб, са-марали натижалар олишга улгурди. Айни кунда босма нашрларда ҳам сунъий интеллект имко-ниятларидан фойдаланишга киришилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг На-манган ва Сирдарё вилояти бўлимлари ҳамкор-лигида Наманган вилояти Поп туманининг Чодак қишлоғидаги 26-умумтаълим мактабида “Миллий контент яратиш ва сунъий интеллект технология-лари” мавзусида илмий-амалий семинар бўлди. Қизиқарли тадбирда сунъий интеллект имконият-ларидан нафақат илм-фан ва технологияда, балки оммавий ахборот воситалари, таълим, бизнес, ҳатто кундалик ҳаётда ҳам самарали фойдаланиш имкониятлари ҳақида батафсил сўз борди.

3-6.

МОЗИЙНИ УЙҒОТГАН ОЛИМ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек ШАМСУТДИНОВ ҳақида сўз

... Илм билан, фан би-лан тирикман, — дейди у. — Илмни устозлар-нинг назарини топган омадли олимлардан-ман. Ҳаётим китоб ва газета билан завқли...



5-6.

“ОҲАНГАРОНШИФЕР”НИНГ ҚАДДИ ЯНА ТИКЛАНАДИМИ?



...“Оҳангароншифер” АЖнинг шифер маҳсулотлари жуда танқис эди, айтилди, кунига йигирма минг дона шифер ишлаб чиқарилиб сотилса, бир миллиард икки юз миллион сўмдан ошади. Корхонада бундан ташқари ишлаб чиқариладиган турли ўлчамдаги ноёб асбобе-мент қувурларининг бозори чаққон эди...

3-6.

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИ

АЁЛ

МЕҲР ТИМСОЛИ, ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Абдурауф Фитрат келажак авлодларнинг онгсиз, иродасиз, тарбиясиз, нодон ва жоҳил бўлмасликлари учун хотин-қизлар ўқимишли, соғлиқни сақлаш ва болалар тарбиясидан хабардор бўлишлари зарур деб билади. У тарбияни жуда муҳим ижтимоий ҳодиса деб билган ва унда “Оиладаги мушкул вазифа гўдак таваллудидан сўнг, эр-хотин зиммасига тушадиган фарзанд тарбиясидир”, — дея ўқтиради. Фитратнинг жамиятда хотин-қизларнинг билим олиши ҳақидаги қарашларидан “Биринчи тарбия бу — тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади, унинг таъсири одам табиатида мустаҳкам ўрнашади”, — деган фикрлар бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотган эмас.



“Дунёнинг ярми аёллар, қолган ярми уларнинг тарбияланувчиси”, — дейди Шайх Али Тантовий. Хотин-қизлар масаласи, уларнинг таълим олиши, ўсиши ва ривожланиши учун бугунги кунда катта имкониятлар яратилган ва яратилиб келинмоқда. Хотин-қизларга бўлган эътибор бир неча асрлар олдин ҳам бўлган ва бу масала бугунги кунга келиб ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Садриддин Айний фикри ҳам долзарб: “Агарда хотун киши тарбият топган, саводли бўлса, фарзандини ҳам тарбият қилиб, тараққиёлиқ одами қиладур”. Бу тарбияда, айниқса, болалар билан кўпроқ шўғullanувчи она ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳамда онанинг бола тарбиясига эътиборсизлик билан қарши фожиаи оқибатларга олиб келиши мумкинлиги жадидлар томонидан эътироф этилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг ўрни, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ҳар томонлама ошириш, уларнинг таълим олиши, иш билан таъминлаш ва мавқеини ошириш бора-

сида қатор самарали ишлар олиб борилмоқда.

XIX аср охири — XX аср бошларида ўлкадаги маънавий ҳаётга назар ташлайдиган бўлсак, ўша даврда оммалашган отинчилик қизлар учун бошланғич таълим вазифасини ўтади. Уларга бибиотинлар ва бибиҳалифалар дарс берди. Мактаб йилларида қизлар ўз устозлари билан “Ҳафтияк”, Қуръоннинг 2-3 сурасини ўрганганлар. “Қизлар учун илм олиш мутлақо ортиқча, уларга уйда тиқиш-бичиш ва тўқини ўргатинг, ўқиш ва ёзиш қизлар учун эмас”, — деган жамоатчилик фикри адабиётларда келтирилади. Кам сонли қизлар ўқиш ва ёзишга ўргатилган, асосан, кундузги ибодат ва намоз учун таҳсил берилган. Туркистондаги мактабларда қизлар кўпроқ форс ва турк адабиётини ўрганиб, ёзувга кам эътибор берганлар. Мактаб тугагач, уларнинг таҳсил олиши ҳам

лаларни яхши тарбияламакни билмак хусусида таълим албатта зарурдир”.

Бугунги кунга келиб, жадидларимиз тамал тошини қўйган аёллар масаласи ва уларни зиёли қилиш, ўқитиш, жамиятда етук шахс сифатида шакллантириш давом этиб келмоқда. Хотин-қизларимиз оилада, жамиятда, фанда, спорт ва яна бошқа турли хил соҳаларда ўзларини кўрсатиб келишмоқда. Бу учун давлатимиз ва муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қатор имкониятлар, грантлар, хотин-қизлар учун субсидиялар жорий этилгани ҳам беҳизга эмас. Гендер тенглиги, ҳақ-ҳуқуқларнинг тенглиги асосида бугунги кунда аёл депутатлар, аёл сенаторлар, аёл президентларнинг етишиб чиқаётганлиги бунга яққол далилдир. Илм-фандаги ихтиролар аёллар номи билан аталаётгани, жаҳон ареналарида Ватанимиз байрогини эркаклар билан баравар аёлларимиз ҳам кўкларга кўтарётгани бу, албатта, фахр туйғусидир.

Аёлларнинг жамиятдаги ўрни жуда муҳим ва кўп қирралидир. Улар оиланинг таянчи, фарзандлар тарбиячиси, илм-фан, санъат, сиёсат, иқтисод ва бошқа кўплаб соҳаларда фаол иштирок этувчи кучдир. Ўтмишда аёллар нафақат ўй-рўзгор ишлари билан шўғулланган, балки жамият ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. Замоनावий даврда эса аёллар таълим олиб, ўз касбига эга бўлмоқда, раҳбарлик лавозимларида ишламоқда, тadbиркорлик билан шўғулланмоқда. Улар тенг ҳуқуқлилик асосида жамиятнинг ҳар бир жабҳасида фаол. Аёлларнинг меҳри, сабр-тоқати ва ихлоқдорлиги жамиятда барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир. Аёлларни кадрлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эса соғлом ва фаровон жамият қуришнинг асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда аёлларнинг, хусусан, хотин-қизларимизнинг ҳар жабҳада эркаклардан қолишмаслигини ва аёллар ҳам жамиятнинг бир бўлаги эканлигини, аёл ҳам Ватан учун тиргак ва унинг истиқболли йўлида бор куч, меҳнатини аямаслигини яна бир қарра амалда Диёра Келдиёрова — замоनावий Ўзбекистон спортининг фахрли вакилаларидан бири исботлаб берди. У аёллар спорти ривожига катта ҳисса қўшаётган, ёш йигит-қизларга илҳом бахш этувчи чинакам намунадир. Осиё чемпионатлари ва жаҳон миқёсидаги кўплаб мусобақаларда совринли ўринлар эгаллаган. 2021 йилги Токио олимпиадасида ҳам иштирок этган. 2022 йил Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган. 2024 йилги Париж олимпиадасида чемпионлигини қўлга киритиб, Ўзбекистон номини дунёга машҳур қилди. Диёра нафақат спортчи, балки кўплаб ёш аёллар учун ирода, қатъият ва ватанпарварлик тусидадир. У спорт орқали аёлларнинг ҳам кучли, ақли ва иродали бўлиши мумкинлигини исботлаб берди.

Аёл — жамият таянчи, меҳр ва қудрат тимсоли. Унинг жамиятдаги ўрни эркаклар билан тенг бўлиши тараққиёт гаровидир. Аёлларни кадрлаш, уларнинг имкониятларини кенгайтириш жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Аёл фақатгина оила бекаси эмас, балки жамиятнинг фаол, кучли аъзосидир.

ШУҲРАТ ХУДАЙБЕРГАНОВ,
Урганч давлат педагогика институтини магистратура бўлими бошлиғи,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ЙЎҚНИ БОР ҚИЛАДИГАН КАСБ

Борни йўқ қилиш осон, аммо, йўқни бор қилиш осонмас — меҳнат ва матонат керак. Қурилиш — фақат бино ёки иншоот эмас, балки инсоннинг ижтимоий ҳаёти, келажаги барпо этиладиган соҳа. Бутун умрини қурилиш соҳасига бағишлаган, Зарафшон қурилиш бошқармасида участка бошлиғи вазифасида самарали фаолият олиб бораётган Давлат Бобоқулов юртта муҳаббатли, касбига садоқатли инсон.

Асли навоийлик Давлат Бобоқулов ёшлигидан меҳнаткаш ва жонқуяр. Отаси Явқон Бобоқулов автобус ҳайдаб, онаси Гулсанам Қосимова эса ҳисобчилик қилиб оила тебратишган. Қаҳрамонимиз катта фарзанд бўлиб, икки синглиси ва икки укасига боти бўлиб улғайди. У техника билим юртида ўқиб, қурилиш соҳаси бўйича мутахассислик дипломига эга бўлди. Катта ҳаётга дадил қадам ташлаган бўлажак бунёдкор ҳарбий хизматни Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида, разведка бўлимида ўтади.

— Бу касбни нега танлаганман? Бу шундай касбки, йўқдан бор қиласиз, — дейди у биз билан суҳбатда. — Тўлиқ жараёни ўз кўзингиз билан кўрасиз, пойдевордан бошлаб, аста-секин бино тикланади, ички-ташқи фасад ишлари... Бино тайёр бўлгандан эса меҳнатингиз самарасини кўриб, кўзингиз қувнайди! Бобом Алиакбар Қосимов ҳам қурувчи бўлган. Мен бобомнинг касбларини давом эттирдим. Ҳарбий хизматдан қайтганимда — у даврлар икки ой юриб, сўнг қаергадир ишга кириш мажбурий эди — бобом “Бир ой ўтди. Бўлди. Энди мен сенга ҳақиқий иш қандай бўлишини кўрсатаман”, дедилар-да, “Жанубсаноатмонтаж”



трести раҳбари ёнига олиб бордилар ва муддаони у кишига айтиб, “Гўшти саники, суяги маники” дедилар-да, мени илк меҳнат жамоам сари йўллаб қўйдилар...

Меҳнат фаолиятини мазкур трестда монтажи вазифасида бошлаган қурувчи ўзига топширилган вазифаларни сидқидилдан адо этиб, кўпчиликнинг назарига тушди. Бир муддат “Навоийазот” корхонасида ҳам фаолият олиб борди. Аммо қурилиш ташкилотини уни яна ўз бағрига олди. Зарафшон шаҳридаги қурилиш ишларида юборилди. Бир неча йил шу ерда қолиб кетди. Унга 2001 йилда Зарафшон қурилиш бошқармасидан таклиф

тушиб, ўзи бошқараётган бригада билан бирга янги корхонага келиб қўшилди. Унинг тақдир йўли Зарафшон билан боғланди.

Қарийб қирқ йиллик фаолияти давомида “Қизилқумцемент” заводининг 3-навбати қурилишида иш бошлаган бунёдкор “Навоий ИЭС”даги қурилиш ишларида иштирок этди. Қишлоқларга тоза ичимлик суви қувурлари тортиш каби йирик лойиҳаларда қатнашди. Зарафшондаги фаолиятининг асосий қисми эса 2-гидрометаллургия заводида қурилиши билан боғлиқ бўлди. Бундан ташқари, 3-, 7-гидрометаллургия заводлари қурилишларида ҳам самарали фаолият олиб борди. Қизил-

қум фосфорит комплекси, Суграли, Қўқлатасдаги янги цехлар қурилишларида фаол иштирок этди.

— Қурган биналарни, у ердаги ҳаётни қузатиб қалбимнинг тўб-тубидан ифтихор туйғуси пайдо бўлади, — дейди у. — Одамлар манфаат кўрмоқда, фаровон турмуш кечирмоқда. Қурувчиликнинг жозибаси ҳам шунда, чамамда...

Д.Бобоқулов фаолияти давомида Нариман Аvezов, Санокул Искандаров, раҳматли Валерий Қўёнов каби бир қатор фидойи устозлардан тажриба ўрганган, уларнинг маслаҳатларига қўлоқ тутган. Ҳозирда ўзи ҳам кўплаб шоғирдларга устозлик қилмоқда. Давлат аканинг қўл остида ҳозирда 115 нафар монтажчи, пайвандловчилар, темир конструкция усталари меҳнат қилишмоқда.

Давлат Бобоқулов бир қиз ва бир ўғилнинг отаси. Оила давомчилари бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинатида меҳнат қилиб келмоқда. Меҳрибон отанинг турмуш ўртоғи таълим соҳасида ишлаган, ҳозирда нафақада. Беш нафар набираларига бобобуви бўлиб, сурурбахш кексаликка қадар қўйишмоқда...

— Агар қайтиб дунёга келсам, яна қурувчи бўлардим. Бошқа касбга менда меҳр йўқ! Хонада ўтириб иш-полмайман, — дейди-да. — Келгусида комбинатимизда бунёд этиладиган заводлар, конлар ва ижтимоий объектлар қурилишида пойдеворидан то охиригача қурувчи сифатида иштирок этиш ниятим бор! Халқимиз учун, мамлакатимиз учун ушбу лойиҳалар жуда муҳим аҳамиятга эга.

Давлат Бобоқуловлар борлиги туфайли Қизилқум сарҳадларида бунёдкорлик шашти асло сўнмайди.

Азамат ЗАРИПОВ

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ИЗЛАНИШ ВА МАҲОРАТ САМАРАСИ

Музаффар Муқимов узоқ йиллар “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетасида мусаввир, мухбир, тарғибот бўлимида муҳаррир, бўлим мудири, масъул котиб, кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари ва бош муҳаррир лавозимларида ишлаб, долзарб мавзуларда юзлаб мақолалар тайёрлаган, ўнлаб шоғирдлар етиштирган. Айни пайтда устоз журналист СамДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси” худудий музейи директори вазифасида фаолият олиб бормоқда.



1929-1938 йилларда вилоятда яшаган 4 мингдан зиёд самарқандлик сиёсатчи, ижодкор, зиёли ҳамда оддий колхозчилар ноҳақ айбаниб қатағонга учраганларнинг номини оқлашда фидойилик кўрсатиб келаётди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари тахририяти ташаббуси билан вилоят Матбуот уйида 70 ёшини қаршилаган, 40 йиллик ҳаётини журналистика соҳасига бағлаган Музаффар Муқимов фаолияти ҳақида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

— Музаффар ака билан узоқ йиллар турли газеталарда бирга ишлашдик, — дейди фахрий журналист Абдурауф Сатторов. — 1992 йилда

янги ташкил этилган “Халқ сўзи” газетасининг вилоят мухбири бўлиб ишлаб, ўша даврда кўплаб муаммоли мақолалар ёзди. Кейинчалик ушбу газетанинг вилоят мухбири бўлиб ишлаганимда Музаффар аканинг мақола ёзиш амалиёти, тахлилий материаллар тайёрлаш тажрибасидан фойдаландим. Ҳозир ҳам газеталарда долзарб мавзулардаги мақолалари билан қатнашиб турибди. Бу ҳам журналистнинг қўллуғи ёшида ҳам жўшиб ижод қилаётганидан далолат.

Йиғилганлар ҳузурида устоз журналист Музаффар Муқимовга матбуот ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда “Зарафшон” газетасининг ташаккурномаси ва эс-далик совғалари топширилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЁШЛАР ТЕХНОПАРКИДА

Андижон ёшлар технопаркида Оммавий ахборот воситалари ходимлари, фаол ёшлар учун пресс-тур ташкил этилди. Тадбир давомида иштирокчилар технопаркининг замонавий инфратузилмаси, техник имкониятлари, лабораторияси, “InnoX” дастури ва унинг натижалари билан яқиндан танишди.



Мазкур технопарк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 313-сонли қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади — ёшларни илм-фан, инновация ва замонавий технологиялар соҳасига жалб этиш, уларнинг ташаббусларини кўплаб-қувватлаш ва рақобатбардош касбларга ўргатишдан иборат.

Ўтган давр мобайнида технопарк томонидан 8300 нафар ёшлар замонавий таълим, инновацион ва ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилган. Бунда “InnoX” бизнес-инкубатор ва акселератор дастури муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. 2024-2025 йилларнинг шу кунгача бўлган даврида дастурнинг 3 та мавсум ташкил этилиб, 503 нафар ёшдан ариза қабул қилинган. Улардан 140 нафари дастурга жалб этилиб, натижада 82 та стартап лойиҳа ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳалар 225 та маҳаллий ва халқаро грант дастурларига — жумладан, “President Tech Award”, “Akademik harakatchanlik”, “Tumar Venture Fund”, “Bo'lajak olim”, “EcoExpo 2025”, “Aloqa Venture” каби танловларга йўналтирилган.

Жорий йил апрель ойда “Aloqa Venture” томонидан ташкил этилган “Инвесторлар кўни” тадбирида технопаркда иш олиб бораётган ёш мутахассисларнинг “Space Agro” va “Edu Compass” лойиҳаларининг ҳар бирига 20 минг АҚШ долларидан, “Tokcha” лойиҳасига эса 30 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция қилиб этилган.

Шунингдек, иштирокчилар технопаркда ёшларни замонавий касбларга тайёрлаш борасида вилоятдаги профессионал ва умумтаълим муассасалари билан ҳамкорликда “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар

билан ҳам яқиндан танишди.

Лойиҳа доирасида Андижон вилоятидаги 8 та профессионал ва 30 та умумтаълим мактабининг 2 минг 400 нафардан ортиқ ўқувчиси учун “Web dasturlash”, “Grafik dizayn” ҳамда “SMM” йўналишлари бўйича 25 дан ортиқ маҳорат дарслари ўтказилган.

Технопаркда 10 дан ортиқ замонавий йўналишлар — “Web dasturlash”, “СММ”, “График ва веб-дизайн”, “Компьютер саводхонлиги”, “Робототехника”, “Киберхавфсизлик”, “Мобиль дастурлаш” бўйича ўқув курслари фаолият олиб бормоқда. Мазкур курсларда 155 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. “FabLab” лабораторияси юқори аниқликдаги прототиплаш, “3D” шаклда чоп этиш, металлга ишлов бериш имконини берувчи лазер технологиялари билан жиҳозланган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида технопаркда 10 дан ортиқ муҳандислик ишланмалари ишлаб чиқилган. Лаборатория инфратузилмасини модернизация қилиш ишлари ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган “Фаргона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 15 та замонавий ускуна олиб келинган.

Пресс-тур доирасида муваффақиятли амалга оширилаётган қатор лойиҳа ва стартапларнинг фаол иштирокчиларига технопарк раёцияти томонидан ваучер ҳамда эс-далик совғалари топширилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

СУЊИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИМКОНИЯТЛАРИ

ёки журналистларнинг технологик саводхонлиги ва
рақамли дунё билан уйғунлашуви

1-6

Илмий-амалий семинарни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими раиси Носиржон Деҳонов олиб борди. У ушбу тадбир газета ва журналларда фаолият олиб бораётган журналистларнинг сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш бўйича билим ва малакаларини оширишда, ёшларни келажак касбларга тайёрлашда, уларнинг технологик саводхонлигини ошириш ҳамда рақамли дунё билан уйғун яшашга ўргатишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон журналистлар уюшмаси раиси в.б. Х.Салимов, уюшманинг Сирдарё вилояти бўлими раиси Б.Абдуллаев, “Янги Сирдарё” газетаси бош муҳаррири Б.Боймуродов, Наманган вилоятининг Учкўрғон тумани “Ёрқин ҳаёт” газетаси муҳаррири Ж.Тўхтасинов, “Namangan International School” ва “Namangan AI” мактаблари асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Нодавлат таълим муассасалари ассоциациясининг Фарғона водийси бўйича бошқарма раҳбари М.Йўлдошев, Ту-



сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари хусусида сўз юритди. “Миллий контент яратиш ва сунъий интеллект технологиялари” мавзусида маъруза қилди.

— Инфoр технологиялар кун сайин ҳаётимизни эгаллаб бормoқда. Бу — замoн талаби. Агар замoн билан ҳамнафас юрмoқчи бўлсак,

ахборотнинг ҳаққонийлигини таъминлаш муҳимлиги ва шунингдек, журналистикада сунъий интеллектдан фойдаланиш ахлоқий тамойилларга мувофиқ бўлиши керак.

Шунингдек, семинар доирасида Уюшманинг Наманган вилоят бўлими томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тегишли фармон ва қарорларига биноан Чодак қишлоғида туризми ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар билан яқиндан таништириш мақсидида саёҳат уюштирилди. Чодакда бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари қишлоқнинг юқори қисмида жойлашган, “Чир-чир момо кўз ёшлари” номи билан машҳур бўлган зиёратгоҳ — шажараси улуг мутафаккир Аҳмад Яссавий ҳазратлари билан боғлиқ бўлган Исмоил Атоий қадамжосини зиёрат қилдилар.

Тадбирлар давомида икки вилоят журналистлари ўртасида дўстона руҳда шахмат-шашка мусобақалари ҳам ўтказилди. Семинар якунида тадбирларда фаол иштирок этган “Янги Сирдарё” газетаси бош муҳаррири Б.Боймуродов, Сирдарё вилоятида журналистика соҳасида кўп йиллик ибратли меҳнати билан танилган, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳибаси, устоз журналист Б.Холбекова, Наманган вилоятида журналистика мактабининг фидойиларидан саналган, “Дўстлик” ордени соҳибси, устоз журналист З.Кенжаева, Наманган вилояти “Ёш журналистлар кенгаши” раҳбари, иқтидорли ва фидойий журналист, “Ёрқин ҳаёт” газетаси муҳбири Ж.Тўхтасиновлар журналистик фаолиятидаги алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Уюшманинг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида икки кун давом этган мазкур илмий-амалий семинар қизиқарли ва самарали кечди.

Келдиёр ТЎЛПЕВ,
журналист.



рақўрғон тумани “Давр” газетаси бош муҳаррири З.Кенжаева ҳамда вилоятлардан таширф буюрган оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 14 октябрдаги қарори билан тасдиқланган “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси”да белгиланган вазифалар, босма ОАВда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш орқали иш

сунъий интеллектни ўрганишимиз керак, — дейди Холмурод Салимов. — Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида медиа соҳага, миллий контент яратиш ва сунъий интеллектдан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши бежизга эмас, албатта. Сунъий интеллект бу — ақлли тизим яратган контент янглиш ёки бир томонлама бўлмаслиги учун инсон назорати кераклиги, яратилган контент муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслиги лозимлиги, сунъий интеллект ёрдамида сохта маълумотлар ҳам тарқатиш мумкинлиги сабабли,

КАСБ СИНОАТИ

Ҳар гал Нарпай тумани маркази Оқтош шаҳрига борганимда, албатта, ўзим ишлаган қадрдон даргоҳ — “Пахтакор овози” (ҳозирги “Навқирон Нарпай”) газетаси тахририятига кириб утаман.

Бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси, илк мақолам “Пахтакор овози”да чоп этилган. Уша пайтдаги қувонч ҳамон ёдимда. Иккинчиси эса, 1980 йил бошида фаолиятимни шу тахририятда бошлаганим ва бу даргоҳда Тошпўлат Тошмуродовдек моҳир ва жасур журналист билан танишиб, йиллар давомида бақамти ишлаганим.

Яқинда касб байрамимиз баҳона яна қадрдон тахририятимга келдим ва бу даргоҳда кейинги йилларда амалга оширилган ишларни кўриб, унинг ташаббускори, тажрибали журналист Тошпўлат Тошмуродов фаолияти ҳақида ёзим келди.



ИЗТИРОБЛАР ВА ҚУВОНЧЛАР

Тошпўлат ака 1949 йилда Қозикент қишлоғида туғилган. Илмпарвар муаллим ва маънавиятли инсонлар оиласида тарбия топди. Ўрта таълимни қишлоқ мактабидан олди, кейин Хоразм давлат университетида ўқиди.

Дастлаб воҳа университетида талабаларга дарс берди, кейин пойтахтда илмий ходим бўлиб ишлади. 1974 йилда қадрдон қишлоғига қайтиб келиб, “Пахтакор овози” газетаси тахририятини давом эттирди. Мусаххис, муҳбир, бўлим мудири, масъул котиб, қўсқаси, тахририятда нимаки лавозим бўлса бажарди, номи чиқди. Ўткир мавзуларда мақолалар ёзди, қалами чархланди.

Тошпўлат ака 1984 йилда бош муҳаррир этиб тайинланди. Ҳафтасига уч марта чоп этиладиган газета материалларини тайёрлаш, техник жараёнларини кузатиш, муҳбирларга муносиб шaroит яратиш осон эмаслигини ҳамкасбларимиз яхши билади. Айниқса, тезкорлик, танқидий нигоҳ, мақолаларнинг ўқишлилиги, бадиий сайқалга эътибор қаратиларди. Бу сайё-ҳаракатлар бошида, албатта, Тошпўлат ака турар, бунинг учун эса ундан катта меҳнат ва маҳорат талаб қилинарди. Энг муҳими, унинг ўзи мақола ёзишда ҳаммага намуна эди: қалами ўткир, тўғри ва аниқ далилларга таяниб раво, ўқимишли ёза оладиган журналист эди.

Тахририятга ишга келганимда Тошпўлат ака “Журналист жонқуяр ва ишлаб топмас бўлиши керак, бунинг учун у тинмай ёзиши, ўз устиди ишлаши, таниқли журналистлар ҳаёти, иш жараёнини ўрганиб бориши керак. Шундагина маҳоратли муҳбир бўла олади”, деган эди. Мен унинг ўғитларига фаолиятим давомида амал қилдим.

Устоз бугун ҳам журналистлар сафида. Қирқ йилдан буён муҳаррир бўлиб ишлаб

келмоқда. Қирқ йиллик изтироб — қирқ йиллик қувонч. Бу азоб, изтироб, машаққатли йўлни сабр, чидам, фидойилик билан босиб ўтди. Ҳам сиёсий, ҳам ижодий жараёнларда тобланди. Ўнлаб шогирдлар тайёрлаб, уларни элга таниттирди.

— Матбуот — халқнинг беминнат ёрдамчиси, теварак-атрофдаги янгиликларни акс эттирувчи кўзгу, — дейди Тошпўлат ака. — Газетада босилган мақола сизни таъсирлантирса, фикрлашга, мушоҳада қилишга чорласа қандай яхши. Бугун газетамизни ана шундай ўқимишли қилишга интилашимиз.

Тошпўлат ака фаолияти давомида сиёсатчи сифатида ҳам элга танилди, халқнинг дардига дармон бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари тумани Кенгаши депутати бўлиб, халқнинг оғирини енгил қилишда билим ва маҳоратини аямасди.

Соҳа жонқуярининг фаолияти муносиб тақдирланди, у 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан “Шўхрат” медалига сазовор бўлди.

Бу инсоннинг дўст-қардодлари кўп. Яқин кишиларини оғир-енгил кунларида йўқлайди, аҳолидан хабар олади. Ўзи яхши кўрадиган инсонларнинг эътиборида бўлгиси, уларни ҳам эъзозлагиси келади. У бугун катта устоз. Ҳар бир шогирди учун жон куйдиради. Журналист маҳорати, ахлоқи меъёrlарини тушунтиришдан эринмайди.

— Ҳамфикрим, умр йўлдошим Гулчехра-хон билан беш нафар фарзандни вояга етказдик. 21 нафар невава ва чевара даврасида суюкли бўлиб ашайламан, — дейди устоз. Етказганига шукур!

Жўшқин ДОВУРОВ,
Нарпай.

ТААССУФ

Бир пайтлар мамлакатга машҳур бўлган “Оҳангароншифер” акциядорлик жамияти бугун янчинчи аҳволга тушиб қолди. Бу ҳақда аввал ҳам “Hurriyat” мустақил газетасида танқидий-таҳлилий мақолалар эълон қилинган эди. Аҳвол эса ижобий томонга ўзгармади.

“Оҳангароншифер” акциядорлик жамияти 1992 йил февралда ташкил топган. Унгача Оҳангарон цемент заводида шифер ишлаб чиқарилиб келинган. Шифер цехи узоқ йиллар давомида цемент заводидан гоҳ ажралиб, гоҳ бирилашиб фаолият кўрсатиб турган. Дастлаб Ураймқул Ирисқулов шифер цехини ижарага олади. Корхона “Оҳангароншифер” ижара корхонаси деб ном олади. Шу вақтда бир ярим мингга яқин киши ишларди.

2002 йил 24 январиди корхона директориликка ёш, сергайрат мутахассис Исмоил Исматовни олиб келишиди ва у қисқа муддат мобайнида ишласа-да, ижобий ўзгаришлар қилди.

Уша йилларда “Оҳангароншифер” АЖнинг доверури бор эди, қўлчиллик бу корхонада ишлашни оруз қилиди.

Бирок Ирисқулов ҳам, Исматов ҳам кимлагадир ёқмай қолди, шекилли, иккалани ҳам турли сабаблар билан ишдан олинди. Завод таназзулга тушиб қолди.

1992-2010 йилларда “Оҳангароншифер” акциядорлик жамияти иш ҳақи бўйича Навоий шаҳридаги “Қизилқум-цемент” акциядорлик жамиятидан кейин иккинчи ўринда турарди.

“Оҳангароншифер” акциядорлик жамияти жамоа шартномасида корхонада ўртача иш ҳақи мамлакатда белгиланган энг кам иш ҳақининг 15 баробаридан кам бўлмаслиги лозим деб ёзилган. Ишчилар катта маош олишарди.

2010 йилдан буён эса корхонада ўртача иш ҳақи икки-уч миллион сўмдан ошмади.

Қўнгилсизликлар 2018 йил 22 августидан бошланди. “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси “заводи кўтарайди” деб

“ОҲАНГАРОНШИФЕР”НИНГ ҚАДДИ ЯНА ТИКЛАНАДИМИ?

ишончли бошқаруви эндигона ташкил этилган “MEGA GOLDEN HOUSE” МЧЖга топшириб юборди.

Ҳолбуки, 2018 йилнинг учинчи чораги бўйича корхона фойда билан чиққанди.

Бирок негадир 2018 йил зарар билан аяқланди, деб таъкидланди.

2019 йил фойда олиш у ёқда турсин, зарар микдори янаям кўпайди. Уша йилнинг февралда заводнинг 54 фоиз давлат улуши “Ўзқурилишматериаллари” АЖдан Ўзбекистон давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда Давактив) ихтиёрига ўтказилди.

Бирок завод ёмғирдан қочиб қорга тутилгандай бўлди.

Давактив ишончли бошқарув тўғрисида “MEGA GOLDEN HOUSE” МЧЖ билан тузилган шартномани бекор қилмади.

Нихоят, 2020 йилнинг 5 февраль кунини “MEGA GOLDEN HOUSE” МЧЖ билан тузилган шартномани ноилох бекор қилишди.

Уша пайтдаги Оҳангарон шахрининг ҳокими Одилжон Жўраев елиб-югуриб, корхонани оёққа турғизиш ишларини бошлаб юборганди. У бошқа ишга ўтгач, ишлар чала қолиб кетди...

“MEGA GOLDEN HOUSE” МЧЖ эса Оҳангарон туманлараро иқтисодий судига “Оҳангароншифер” АЖни банкрот деб эътироф этиш тўғрисида ариза бериб қўйган экан.

2020 йил март ойи сўнгиди корона-вирус пандемияси бошланди. Пандемия даврида бирорта корхона банкрот қилинмаслиги керак эди, афсус, Оҳангарон туманлараро иқтисодий суди 2020 йил 6 июль кунини “Оҳангароншифер” АЖни банкрот деб эътироф этди.

Кейинчалик апелляция ва кассация шикоятларини кўриб чиққан Тошкент вилояти иқтисодий судининг 2020

йил 22 октябрдаги ва ҳатто Бош прокурор муовини С.Ортиқованинг протестига ҳам қарамай, Олий суд 2020 йилнинг 11 декабрь кунини биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Суд бошқарувчиси сифатида Бехзод Нуруллаев тайинланганди.

Бирок Давактив директори муовини Тўлқин Набиев ва банкротлик департаменти бошлигини кредиторлар танлаган номзод қизиктирмасди. Нуруллаевнинг суд бошқарувчиллик аттестатини бекор қилишди ҳамда “Ўзимиз номзод берамиз” дейишди ва Т.Набиев 2020 йил 23 декабрда янги суд бошқарувчиси тайинлашга эришди.

2021 йил 11 майда эса мазкур судда “Оҳангароншифер” АЖга тугатиш бошқарувчиси тайинланди.

Бу вақтга келиб корхонада опти кордан зиёда киши меҳнат қиларди ва корхонанинг умумий қарзи 18 миллиард сўмдан ошган эди.

Ишчилар қувониб, янги раҳбаримиз зўр экан, у заводни банкротликдан чиқарар, ойлигимизни оширар экан деб, уни олқишлашарди.

Янги раҳбар ва унинг шерикларининг ниятини ишчи-ҳодимлар қаердан ҳам билсин?

Орадан икки ой ўтиб, 13 июль кунини раҳбар Оҳангарон туманлараро иқтисодий судининг қарори билан вазифасидан озод этилса-да ва парда ортидан ҳомийлари туфайли 7 сентябрда вазифасига тикланди.

Шундан сўнг иқтисодий иш Ўрта Чирчиқ туманлараро иқтисодий судига ўтказилди.

2021 йилнинг 24 ноябрида Ўрта Чирчиқ туманлараро иқтисодий суди “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 91-моддасига зид равишда Давактивнинг илтимосномасини рад этган ҳолда давлат

улуши 54 фоиз бўлган “Оҳангароншифер” АЖни кредиторларнинг “илтимоснома”сига асосан ташқи бошқарувга ўтказиб, мавжуд қонунчиликни қўпол равишда бузди.

Ҳолбуки, ташқи бошқарувга ўтиш учун корхонанинг тўловга қобилиятлигини текшириш лозим эди ва амалда эса бирорта кредиторнинг ҳам қарзи узулмаган ва қарз қўпаяётганди.

2021 йилнинг 23 декабрида эса Хуршид Равшанов “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 106-моддасига зид равишда, яъни ташқи бошқарувга ўтиш режасини биринчи ва иккинчи гуруҳ кредиторлари тасдиқлаши шарт бўлгани ҳолда ва бунга зид равишда ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш учун овоз бериш ваколатига эга бўлмаган учинчи гуруҳ кредитори бўлмиш Тошкент вилояти солиқ бошқармасининг овози билан ташқи бошқарув режасини тасдиқлаб юборди.

2021 йилнинг 23 декабрида кредиторлар йиғилишида ғалати равишда кредиторлар рўйхатида “WIZIL WATER” МЧЖ пайдо бўлди. Тез орада корхона 19 миллиард сўм қарзга кириб кетди.

Энг қизиги, 2023 йилнинг 6 март кунини бўлди. Ўрта Чирчиқ туманлараро иқтисодий суди раиси “кредиторлар келишиди” деб “Оҳангароншифер” АЖда банкротлик ишини иш юриштишдан тугатди. Энди корхонанинг умумий қарзи 40 миллиард сўмга етганди. Кредиторлар қарзи узулмаганди.

Давактив банкротлик тугади деб 2023 йилнинг 27 апрелида “Оҳангароншифер” АЖ бош директорлигига танлов эълон қилди. Максуд Мустафоев танловда ғолиб бўлди.

Яна бир ташвишли ҳолат: сўнгги беш йилдан бери “Оҳангароншифер” АЖ Кузатув кен-

гаши фаолият кўрсатмайди.

Мустафоев корхонага бош директор этиб тайинланганда заводда тўрт юзга яқин киши ишларди. У акциядорлар йиғилиши қарорини бажариш учун икки юзга яқин кишини ишдан бўшатди.

Шундан сўнг ҳам “Оҳангароншифер” акциядорлик жамияти 2023 йил 3 ноябрдан кейин фаолият кўрсатмади, яъни ишламади ва ишчилар 2023 йил март ойдан бери иш ҳақини ололмай сарсон бўлишмоқда.

Мустафоев корхона технологиялари эскирибди деб заводни ишлашдан бош тортиди ва иш ҳақи ўрнига ноконунинг равишда, яъни акциядорлар йиғилиши қарорисиз корхонадаги темир кассеталар, поддонларни кимларгадир сотиб юборди.

Тўғри, бугун шифер ўрнини босувчи махсулотлар турлари кўпайган, шифер савдоси суст. Бирок “Оҳангароншифер” АЖнинг шифер махсулотлари жуда танқис эди, айтилиқ, қунига йиғирма минг донна шифер ишлаб чиқарилиб сотилса, бир миллиард икки юз миллион сўмдан ошарди. Корхонада бундан ташқари ишлаб чиқариладиган турли ўлчамдаги ноёб асбобцемент қувурларининг бозори чаққон эди.

Қўшимчасига заводни модернизациялаш ва сифатни яхшилаш уdda-ланмади.

Мустафоев заводни юргизиш у ёқда турсин, ботқоққа ботирди, тамо-ман касодга учратди.

Оҳангарон туманлараро иқтисодий суди банкрот деб эътироф этиш ари-засини ўрганиб, “WIZIL WATER” МЧЖ-нинг аризасини рад этди ва “Оҳангароншифер” АЖ қасддан касодга олиб келинган, жиноят аломатлари мавжуд деб Оҳангарон шаҳар прокуратурасига ахрим чиқарди. Шаҳар прокуратураси жиноят иши кўзгатмади.

✓ **ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН**

“ҲАР КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...”

1987 йили Москвага хизмат сафари билан келиб, бир ҳафта давомида “Московская правда” газетасининг иш фаолиятини ўрганганман. Шод Муллахонов деган душанбелик тожик йигит газетада масъул котиб лавозимда ишлар экан, мени иходий жараён, материалларнинг тайёрланиши, муаллифлар билан ишлаш, газетхонларнинг хатларидан фойдаланиш тажрибаси билан эринмай таништирди.

Бир куни масъул котибининг хонасида газетанинг эски тахламларини varaқлаб ўтирган эдим, хонага кўзлари йиғидан қизарган асаби бир аёл кириб келди.

— Масъул котиб шу ердами? — деб сўради у қовоғини уйган ҳолда. Мен: “Ҳа, шу ерда, ҳозир бир иш билан ташқарига чикувди”, дедим. Дедим-у, тутилдим. Чунки масъул котиб қаёққадир жўнаб кетган экан.

— Сиз ким бўласиз? — деди аёл сўзлашгани бошқа ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилган, бироз юмшаб.

— Менми, мен — ўзбекистонлик журналистман, тажриба ўргангани келганман, — дедим шоша-пиша.

— Тажриба деңг? — энсаси қотди аёлининг. — Буларда тажриба бор эканми? Мана, битта мақолани бир ойдан бери эълон қилма, чўзиб, пайсалга солиб ётишибди. Меҳнаткашларнинг аризаларига эътиборлари қандайлигини ўргансангиз бўлармиди, ўртоқ журналист...

Ўзим билмаган ҳолда арининг уясига чўп суқиб қўйган эканман. Роса бир соат давомида унинг ноёб, бошқа ҳеч жойда эшитиш мумкин бўлмаган ҳикоясини эътибор билан тинглашимга тўри келди.

“Андрей билан медицина институтига бирга ўқиганмиз, — ҳикоясини бошлади Оля ҳаяжонини бироз босиб олган. — Асли мен бошқа бир йигитни севардим. Аммо унинг аякин дугонамга илаҳиқий қолганини сезиб, жаҳл устида Андрейга кўнгил очдим. У уч хонали уйда бир ўзи турарди, бунинг устига, пул топишга уста эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, никоҳдан ўтдик. Бирга яшай бошла-

дик. Бу орада отам автохалокат туфайли оламдан ўтди, онам уйда бир ўзи қолди. Андрей билан маслаҳатлашиб, шарти кетиб, парти қолган уйни сотдик-да, онамни ёнимизга олиб келдик. Бир-икки йил бинойидек яшаб юрдик, ейиш-ичишдан камимиз бўлмади.

Тўйимизнинг учинчи йили Андрей касалланиб қолди, яхшигина ишидан бўшади. Рўзгорнинг юки онам иккимизнинг ёлкамизга тушди. Бир амаллаб тирикчилик ўтказга бошладик. Толган-тутганимиз дори-дармонга кетарди. Майли, тузалиб кетса, ҳаммаси унут бўлади, деб сабр қилдик.

Бир куни, қайсидир байрам эди, чамамда, электричкада курсдош дўстим Сашани кўриб қолдим. Бу ўша — мен кўнгил қўйган йигит эди. Жуда ўзгариб кетибди. Кийимларини кўриб, оғзим очилиб қолди. Ўша кунийёқ мени ресторанга таклиф қилди. Бордим. Мириқиб суҳбатлашдик. Красноярск ўлкасида ишлаётган экан. Оғзидан бол томиб гапирди денг. Москвадан борган ёш мутахассисларга эътибор катта эмиш, уй беришармиш, маошини, кўшимча мукофотларини айтмайсизми!

Энди билсам, ўшанда Сашанинг эртақларига ишониб, хато қилган эканман. У мени ҳар куни, то Красноярскка қайтиб кетгунича, қиммат ресторанларда меҳмон қилди, қулоғимга тилла сирга тақиб қўйди. Андрейнинг ташвиши билан бўлиб, уйдан ташқарига деярли чиқмай юрардим. Майли, бир кўнглимни ёзай, деб у билан роса бир ҳафта вақтихушлик қилдик.

Саша жўнаб кетиши биланоқ ҳаёлим бўлинди. Фикри-ёдим унинг айтган-деганларида. Андрейнинг аҳволи бўлса анча дуруст, аммо ҳали-бери ишга чиқа олмайди. Саша ёрдам бераман деб турибди, бориб, бир-икки йил ишласам-чи? Даромади яхши бўлса, балки Андрей билан онамни ҳам ўша томонларга олиб кетарман? Ҳаво алмаштириб, унча-мунча пул орттириб қайтиб келармиз... Нима, ҳеч нарса кўрмай ўтиб кетишим керакми?

Бу гаплар кўнглимга шу қадар ўрнашиб қолдики, аввал онамга, кейин Андрейга айтмасдан тура олмадим. Иккалалари ҳам қат-

тик қаршилик қилишди. Онамга ётиғи билан тушунтирдим, майли, ўзинг биласан, қизим, дегандай бўлдилар охири. Андрейнинг бўлса, мени у ёқларга Саша таклиф этаётганини билиб, кайфияти тушиб кетди. Аммо қаттиқ гапирмади, “Яхшилаб ўйлаб кўр, кейин афсусланиб юрма, қайтиб келиб, ҳозиргидек иш топишинг қийин”, деди. Мен: “Андрей, бу ишларни сен учун қиялман, ҳаммасини ўйлаб кўрдим, сира ташвиш қилма”, деб оёқ тираб туриб олдим.

Хуллас, ишдан бўшаб, Красноярскка отландим. Саша мени яхши кутиб олди. Аввалига меҳмонхонага жойлашдим, кейин ишчилар ётоқхонасидан жой олиш учун қурилиш ташкилотининг медицина пунктига ишга кирдим. Дўстим тез-тез келиб хабар олиб турди. Ҳафтада бир-икки марта кечки овқатни бирга қиламиз, кино-театрга тушамиз. Бир қарашда ҳаммаси кўнглимдагидай, аммо маошнинг чўғи паст, ўзим билан олиб келган пулнинг эса тағи кўриниб қолди.

Бир куни Саша мени уйига таклиф қилди. Мен тентак қиз лаққа тушиб бордим. Тўрт хонали уй экан. Жиҳозлари замонавий бўлмаса-да, анча бежирим. “Ўзингнинг уйингми?” десам, “Ҳа, сотиб олдим, сен ҳам, Худо хоҳласа, ҳа-ху демай шунақа уйли бўласан, кел, шу бўлажак уйингни ювайлик”, деди. Ювдик. Буёғини айтмасам ҳам бўлаверарди.

Хуллас, Саша билан бирга, эр-хотинлардай яшай бошладик. Толган-тутганини уйга олиб келади. Рўзгоримиз бут, ихтиёримиз ўзимизда. Аммо бундай “бахт” узоққа чўзилмади. Бу дардимни, журналист экансиз, сизга айтялман, бошқа ҳеч кимга шу чоққача айтмаганман. Бир куни эшик кўнгириғи жириқилди, очсам... остонада бир аёл, қўлида икки яшар боласи билан менга мўлтайиб қараб турибди. “Келинг, кимсиз?” десам, “Шу уйнинг эгасиман, сиз ким бўласиз?” деб менга кўзларини лўқ қилиб қаради. Юрагим шув этиб кетди. Нима дейишни билмай, остонада довдираб туриб қолдим.

Аёл ичкарига кирди-ю, бақира кетди: — Қани, мегажин, бузуқи, жонинг борида бу ердан жўнаб қол-чи! Нафсингни қондиришга Москвада эркак топилмай, шу ерга келдингми, ифлос? Жўна, деяпман!..

Ҳаммаси бир зумда равшан бўлди. Қўлимга илинган нарсаларимни олиб, кўчага отилдим. Сашага телефон ҳам қилмадим. Ётоқхонага келиб, бир амаллаб хонамга кириб олдим.

Ўша куни, худди билгандай, онам кўнги-роқ қилди. Ҳеч нарса бўлмагандай, яхши гаплашдим. Онам: “Андрей “Қизингиз мени ташлаб, аввалги хуштори билан кетди, кетди, энди сиз билан бирга тура олмайман, уйланаман”, деяпти, жуда бошим қотди”, десалар бўладими? Миямда чакмоқ чаққандек бўлди. Хушимни йўқотмадим, аммо ундан баттар бўлдим.

Саша бир ҳафта қорасини кўрсатмади. Охири, виждонимни қийнаб бўлса-да, ишхонасига бордим. Бордим-у, уни... таний олмадим. Қаршимда бутунлай бошқа одам менга муғомбирона тикилиб турарди.

Билсам, Саша аввалига содда дугонамни лақиллатибди, кейин бу ерга келиб, тузоғига бошқасини илтирибди. Унга уйланиб, фарзандли ҳам бўлишибди. Кейин ораларидан ола мушук ўтиб қолибди, хотини боласини кўтариб, Одессада яшайдиган ота-онасининг олдига бир-икки ой дам оламан, деб кетиб қолибди. Бу пайтда мен пайдо бўлибман. Ўл дейдиган одам йўқ.

Хуллас, Саша билан мутлақо узилишиб кетдик. Бир яхши одамнинг ёрдамида ишимни ўнглаб олдим. Қўлимга дурустгина пул туша бошлади. Бир қисмини онамга, Андрейга жўнатиб турдим. Орадан бир йил ўтди. Зерикдимми ё бошқа бир сабабми, бирданига Москвага қайтгим келиб қолди. Лаш-лушларимни йиғиштириб, йўлга отландим. Йўл-йўлақай, онамга, Андрейга совға-салом олдим. Уларга сюрприз бўлсин деб, қайтаётганимни билдирмадим ҳам. Эҳ, тақдир, уйга келсам, сюрприз деганларининг энг қаттаси мени бу ерда кутиб турган экан.

Гални чўзиб нима қиламан, Андрей онамга хархаша қилаверганидан кейин, бечоранинг илоҳи қолабди. Уйига қайтай деса, ҳовли сотилиб кетган, қуруқ ҳамён билан борса, кимгадир юк бўлади. Охири, таклиф... онамнинг ўзидан чиқибди. “Андрей, қизимдан хафа бўлма, у тентак бир куни бошини чангаллаб олдингга келади, келмаса, тузалиб,



ишга тушиб кетсанг, бирорта тенгингни топарсан. Ҳозирча, кел, бирга яшаб турайлик, овқатингни пишириб, кийим-бошингни ювиб турибман-ку”, дебдилар. Мана сизга иложсиз қолган одамнинг иши. Тўғриси айтсам, онам кўхликкина аёл, кийиниб кўчага чиқса, йигитлар гап отмай қўйишмайди. Андрей аввалига бир нима демабди, аммо кейинроқ тақдирга тан бериб, онам билан қовушибди. Расмий бўлмаса-да, эр-хотин бўлиб яшай бошлашибди. Шундай кунлардан бирида эшикни тақиллатиб мен кириб келибман...

Бу ёғи энди жумбоқ, ечиб бўлмайдиган муаммо. Она-бола Андрейни таллашиб, бир-биримизни судга беришга, бир-биримизнинг сочимизни юлишга тайёр турибмиз. “Она, жуда бемаъни иш бўлибди, майли, ўтган ишга салават, қишлоққа қайтинг, ёрдам жўнатиб тураман”, десам, онам “Қизим, аҳмоқликни ўзинг бошладинг, энди бизларга халақат берма, ҳали ёшсан, бирортасини топасан, албатта”, деб турибди...

Нима қилишни билмай, бошимдан ўтган воқеаларни қоғозга тушириб, редакцияга олиб келганимга, мана, бир ой бўлдики, булар на жавоб қилишади, на босиб чиқаришади...

Хизмат сафарим тугаб, Тошкентга қайтдим. Олянинг “мақола” газетада эълон қилинми-йўқми, бундан хабарим бўлмади. Тахририятга қўнги-роқ қилиб сўрашга эса журъат қилмадим.

Аҳмаджон МЕЛИБОВ

✓ **МУЛОҲАЗА**

Гоҳида хаёллар оғуши турфа мулоҳаза-мушоҳадага қорлайди. Тахририятда муҳбир бўлиб ишлайдиган танишимнинг айтишича, ўзаро мулоқотларда, гурунглarda айрим ошна-оғайнилар унга маломат қилиб: “Ҳалиям газета борми?! Газетангизни ҳеч ким ўқимайди-ку, нима кераги бор?..” — дер экан. Айниқса, олибсотарлик билан шўғулланадиган (ўзини савдогар ҳисоблайдиган) Даврон кўп кесатаркан. Машинаси бор, уасткаларини дангиллатворган, гаплариям бутун — пулдорлигини ҳам инкор қилмайди.



ГАЗЕТА ОРТИҚЧА ДАХМАЗАМИ?!

— Қулоғимда эса унинг “...ҳеч ким ўқимайди-ку”, деган маломати жаранглайверади, хомуш тортаман, — дея хўрсинди суҳбатдошим. — Кўнларнинг бирода анча ҳаётий тажрибага эга, масъул лавозимда ишлайдиган бир зиёли профессордан интервьо олиш асносида асосий мавзудан кечиниб, шу ичимдаги дардимни айтдим. Шунда фахрий устоз маслаҳат бердилар:

— Сиз ўша савдогар танишингиз: “Газетани ҳеч ким ўқимайди-я! Яхши, оғайни, сенинг савдо-сотикдаги қингирликларинг, кирдикорларинг ҳақида кичкинагина — икки сатрли “лукма” ёзаман. Исм-фамилиянгни ва дўконларинг манзилини аниқ келтирман”, деб айтиб кўринг-чи...

Вақти келиб, яна ҳалғи ишбилармон билан битта даврага йиғилдик. Буни қарангки, у ўзи мен кутган масалада гап бошлади:

— Ҳеч ким ўқимайдиган газеталарни чиқариб турибсизларми? — дегач, даврада одатдагидек қулғи янгради. Аммо бу сафар мен ҳам бўш келмадим. Гуруннинг охирида мавриди келганида уни четроққа қорлаб: “Сенинг савдодаги қингирликларинг, кирдикорларинг ҳақида газетада ихчамгина танқид ёзмоқчиман”, — деб қулоғига шипшитдим.

— Қўйсанг-чи, ошна, шартмас, нимага айнан мени ёзасан? — деди ўнғайсизланиб. — Ҳазиллашамиз-ку, қулишамиз-да... Яна ёзвормаган-а?!

— Ёзсам нима бўпти? — дедим дадилланиб. — Бунинг нима ёмон? Барибир ҳеч ким ўқимайди-ку!

Хуллас, ҳазил-хузул-у қаҳқаҳаларга йўғрилган издихом охирлаб, уй-уйимизга тарқалдик. Соатга қарайман: 22:34. Уринга ётиб, кўзим уйкуга кетган экан, телефоним жиринглади. Кўзларимни қафтим билан ишқалаб, яна соатга қарайман: 23:47. Ким экан ярим тунда безовта қилаётган? Ие, Даврон-ку...

— Ҳа, ошна, тинчликми, нима гап? — Ҳэр, кеч бўлса ҳам безовта қилдим, — деди Даврон хавотирли овозда, кейин давом этди, — ҳазиллашамиз-да, биласан-ку, а, яна чинликча олиб ёзвормаган-а...

— Нега чўчиёсан? Хотиржам бўл-э, барибир ҳеч ким ўқимайди-е, — дедим кеса-

тик аралаш қулиб.

— Ҳа, тўғри айтасан. Лекин ҳеч ким ўқимаса ҳам ёзмай қўявер, илтимос...

— Хотиржам бўл, яхши дам ол. Ёзмасам ёзмасман.

Бир неча соат мобайнида маломатчи-дан фикр юритувчи даражасига кўтарилган, юксалган Давронжон шу тариха “газетани ҳеч ким ўқимайди” қабилидаги тушунчасини мутлақо аксига ўзгартирганлиги яққол намоён бўлди.

Айтишларича, аксарият “давронжон”лар “обуна мажбурий эмас” деган ниқоб остида газетани ортиқча дахмаза ҳисоблаб, мазкур маърифат маёғини, бунёдкорлик сари интилаётган жамиятнинг таянч-устуни, энг муҳим оммавий тарғибот воситасини зимдан инкор қилишяпти экан.

Ҳа, аслида, ўқилмаётгани фақат газетанига эмас, китоблар мутлоаси ҳам, ҳар қалай, тараққий этган жамиятлардаги каби оммалашмаган. Ўйланиб, пол қолади киши — дунёда бажарилиши энг қийин бўлган машғулот илмий, бадиий адабиётлар, кундалик, ҳафталик газета, журналлар мутлоаси эканми?! Бу оламдаги энг осон — ҳамирдан қил суғургандек силпиб ва равон юмуш эса бу — катта-катта маблагни совуриш ҳисобига дабдабали тўй қилишмикан?! Ўшбу ҳар иккисининг биринчиси инсонни дунё ва охиратда хор қилиб, юзларини қорайтириб ва залолат-у таназзулга олиб берамикан?! Иккинчиси эса кўзланган бахт манзилига элтиб, нажот келмаси янглиғ муқаррар ҳалокатдан қутқариб, бандаларни Роббул оламин хузуридаги мартаба-мақомни юқориларга кўтарармикан?!

Ушбу кинояли саволларга барча соғлом фикрлилар ҳеч иккиланмай “нажот — ўқишда, илмда, билимда” деган жавобини айтиши аниқ. Аслида ҳам шундай-да! Ҳўш, у ҳолда нега жамиятда — оилаларда, кўниқўшилларда, маҳаллаларда ва ҳеш-у ақраболар даврасида китобхонлик, газетхонлик ва илм таҳсили устувор аҳамиятга эга эмас? Таассуфки, айнан гуноҳ-у маъсият ва албатта, охири хайрли бўлмаган қабохат, яъни, тўй-у маъракалардаги дабдабозлик, ҳўжақўрсинлик иллатларига эса аллақачон муккасидан кетиб, бундай мубталойи дарди бедавога йўлиқиб бўлинган.

Ана шундай тузалмас касалликнинг давоси нима экан-а?! Ахир булар ҳар қанча ёзиб, бонг урилгани сари камаяйиш ўрнига тобора сайқалланиб, янада долзарблашиб бораверадиган асло эскирмас-у бархам топмас мавзуга айланиб бормоқда-я?! Ҳолбуки, мутлоасизлик-фикрсиэлик ортидан урчиб, жамиятга маънавий-маданий, ахлоқий жиҳатдан турғунлик ботқоғига ботираётган иллатлар фақатгина дабдабозликлардагина муккассам эмас-да.

Бешиқдан қабргача изланиб, интилиб риоя қилиниши олий қадрият ҳисобланган ўқиш (китобхонлик, газетхонлик) жараёни устувор тамойил қўлроқ кенг оммалашмагани оқибатида утларандек натижаларга эришиш мумкинмикан?! Ҳолбуки, мамлакатимизда демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо қилинмоқда. Бундай тараққийпарвар жамиятнинг эса тўртта устуни бор: 1. Ахлоқий маданият. 2. Сиёсий маданият. 3. Хуқуқий маданият. 4. Узоқ ва яқин тарихни яхши билиш ва тарихий хотирадан ҳулоса чиқариш, сабоқ олиш. Бундай юксак маданиятларни шахс онгига, жамиятда ким шакллантиради? Сериалларми?! Егулиг-у рангли ичимликларни ва дориларни тинимсиз тарғиб қилаётган рекламаларми?! Телефонни ёки интернетми?! Ёхуд олди-қонди тезкор хабарларми?!

Нахотки “Қорин тўқ, мегабайт мўл, қайғу йўқ. Аҳволим зўр. Бахтлиман: мана, тўйимни, машинами кўр! Ҳашамларга қўзим асло тўймайди! Китоб ва газетани эса ҳеч ким ўқимайди”, қабилидаги устувор “ялло-мижоз” широрлар оғушида умргуззорлик қилаётган бўлсак?!

Хулласи калом, обунанинг мажбурий ёки ихтиёрийлиги юзасидан жа “доноларча” бош қотирамиз. Хўш, дабдабазликчи-чи?! Исроф-у бидъат-хуросотларга жарақ-жарақ пулни аямой бажонидил харжлаш-чи?! Мажбурийми ё ихтиёрийми?! Бундай гуноҳи қабираларга мажбураётганлар устидан шикоят қилиб, уларга қатъий қоза кўриб, чек қўйиб, ихтиёрига китобга, газетга — илм-у ирфон-у ҳидоятга интилиш вақти аллақачон келмадимикан?

Муҳиддин МАЌЗУМОВ,
журналист.

✓ **АКС-САДО**

“СИНУС” ВА “КОСИНУС”СИЗ ҲАЁТ ЙЌҚ!

ёки математикасиз яшаб бўладими?

“Hurriyat” газетасининг шу йил 16 июль 28-сонида бошқа қизиқарли мақолалар қатори муаллиф Саодат Мусаеванинг “Синус ва косинуссиз ҳаёт” сарлавҳали мушоҳадали мақоласини ўқидим.

Тўғри тушунган бўлсам, муаллиф ўз ҳаётий кечинмалари асосида (айнан ўз шахсий ҳаётий кечинмалари) синус ва косинусларнинг қандайдир лаянатиланган, кераксиз, аниқроғи, “бошоғрик” нарсалар эканлигини исбот этмоқчи бўлибди.



Балки, кимлардир гап нима ҳақида кетаётганлигини тўла англаб етмаган ҳам бўлиши мумкин. Умумий олганда эса гап ҳисоб-китоб, яъни математика ҳақида, математиканинг арифметика, алгебра, геометрия, тригонометрия сингари бўлиларининг бири, яъни бурчак ўлчамлари ҳақидаги илм — тригонометрия (лотинча: trigonon — учбурчак, metre — ўлчайман) — мамематиканинг учбурчак томонлари ва бурчаклари ўртасидаги боғланишлар амалиётини ўрганадиган бўлими тўғрисида кетапти.

Маълумки, фанлар ичида энг керағи бўлган — математика ҳам, унинг муҳим бўлағи, ўша “синус ва “косинус”ларга оид фан — тригонометрия ҳам инсониятнинг ҳаётий зарурияти туфайли юзага келган — кашф этилган. Аввало, “синус” ва “косинус” ўзи нима эканлигини билиб олиш, у нима учун мактабларда фан сифатида ўқитилишини тушуниб олиш даркор.

Мен математик ёки шу фанга яқин соҳа мутахассиси эмасман, бинобарин, унинг чуқур билимдони ҳам эмасман, шунчаки ижодкорман. Аммо бу фансиз инсон ршай олмаслиги, башарият тараққиёти, фан ва техника асло ривож топмаслигини яхши англайман. Балки, айрим олганда, кимлардир математикасиз яшай олар, аммо жамият ва давлат, қолаверса, бутун башарият эмас.

Ҳисоб-китобсиз, олдига аниқ мақсад — истиқбол режасини аниқ қилиб қўймаган жамият — ҳалокатга маҳкум. Мана шунинг учун ҳам ҳар қандай жамиятда — давлат ёки мамлакат, деб тушунаверинг — истиқбол марралари белгилаб олинади. Буни давлатнинг фалон йилларга мўлжалланган дастури дейсизми, бош режа ёки тараққиёт стратегиясими — моҳият битта: келажакнинг, фаровон ҳаётнинг ҳисоб-китоби.

Синус ва косинуслар, бурчак катетлари масаласига келсак, улар бўлмаганида, Аҳмад Фарғоний бобомиз Нил дарёси сувининг кўтарилиш ва қайтиш ҳолатларини олдиндан ҳисоб-китоб қила олармиди?! Математиканинг ана шу мураккаб масалалари бўлмаганида, ал-Хоразмий бобомиз ўша сизнинг бошингизни қотирган ва сиз мутлақо қоралаб ташлаётган алгебра (олимининг “Ал-жабр ва ал-муқобала” асари номидан олинган) фани равнақ топармиди ва ҳозир туну кун барча фариштага сингиргандек тутадиган ва айнан ўша синус-

косинуслар асосида ишлаб чиқариладиган қўл телефонлар-и-ю компьютерларнинг асоси бўлган алгоритм (ал-Хоразмий атамасидан олинган)лар яратилармиди?

Ўша “бурчак қаршисидаги қатет” фани бўлмаганида, Беруний бобомизнинг Ер шарини аниқ ўлчамлари — горизонт ва меридиан чизиклари вужудга келармиди?

Ахир Ҳиндистонга бориб, кашф этилган бу каби ўлчамлар натижасида Беруний бобомиз Америка қитъасини кашф этмадими?

Мактабда менинг математикани жуда пухта биладиган, Сиз сингари “гажақдор” баҳолар эмас, жимжимадор “аъло” баҳолар оладиган дўстларим бўларди. Ана ўша “математиклар” “синус ва косинус”лардан эмас, аксинча, иншо ёзишдан безиллашарди. Нима, энди улар ҳам Сизга ўхшаб “безилла-ган”, улар учун азоб бўлган иншоини қоралаб, бу фан (адабиёт)ни йўқотишни тарғиб этсинларми?!

Аллоҳ таоло ҳар кимни ҳар хил қилиб яратган: ташқи қўриниши ҳам, ички олами ҳам бетакрор. Шунинг учун дунёда қасб-қорлар ҳам турли-туман. Ҳар ким ўз иқтидорига, дунё-қарашига кўра яшайди. Кимгадир нимадир ёқмаса, бу ҳамма учун шундай бўлиши, шундай яшаши керак дейилса, қанчалик хато бўларди.

Умумтаълим мактабларида ҳамма бир хил ўқитилади. Кейинчалик ўқувчи ўз истеъдоди ва қизиқишига кўра табақаланиб бораверадир. Шу сабаб ҳам олий таълим муассасалари хилма-хил: марҳамат, ўз қизиқишингизга кўра танлаб, ўқишни давом эттиравингиз, ўз севган фанингизни чуқур ўрганиб, ўша соҳа мутахассиси бўлинг!

Аммо фанни ўзлаштира олмаганлиги учун уни мукамалликда айблаш, бу — жуда юмшоқ қилиб айтганда, адолатсизликдан бошқа нарса эмас.

Халқимизда “Уйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир”, деган нақл бор. Қўнчилиқка бирон-бир таклифни билдириш учун уни обдан ўйлаб кўрган маъқул. Етти ўлчаб, бир марта кесса, асло хато қилмайди. Ҳа, дарвоқе, бунинг учун ҳам аниқ ҳисоб-китоб қилиш, яъни математикани билиш керак бўлади. Сиз эса “ахир мен косинуссиз ҳаёт учун беҳуда калтак едимми?” Шуниси алам қилади. ... дея барчани, шу жумладан, отангизни ҳам айбалагандайсиз.

Сизнинг фан билан боғлиқ иддаоларингизни ўқиган кишида “шу улуг зот ҳам қандайдир бемаъни нарсалар, бемаъни талаблар учун ноҳақ жабр чеккан, ноҳақ отасидан калтак еган экан-да”, деган таассурот ўйотгади. Синфда асли 2-3 та “аълочи” ўқувчи бўлади, яна 5-6 та “ўртача” ўқийдиганлар, қолганларининг деярли барчаси қайсидир фанни ёки қайсидир фанларни яхши ўзлаштира олмайдиган қолоқ ўқувчилар бўлиши мумкин.

Бу — ҳамма биладиган, бутун дунё таълимида тан олинган ҳақиқат. Бу ҳолат қисқа ва лўнда ҳолда “ҳамма олим бўлиш шарт эмас, кимдир бошқа ишларни ҳам қилиши керак” дея изоҳланади, ҳолос.

Башарият тараққиёти, илму фан ривожини сизиз бизнинг инжиқлигимиз билан асло ҳисоблашмайди.

УМР ИБРАТИ

МОЗИЙНИ УЙФОТГАН ОЛИМ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек ШАМСУТДИНОВ ҳақида сўз



1990 йил охирлаб борарди. Собиқ шўролар иттифоқига аъзо республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мустақиллик ҳақида гап-сўзлар чиқиб қолганди. Виждони уйғоқ, халқпарвар олимлар эса тарих фани қай тарзда ўқитилиши лозимлиги устида таклиф-мулоҳазаларини матбуотда кўтариб чиқиш иддаолари билан тахририятимизга мақола олиб келарди.

“Совет Ўзбекистони” газетаси тахририятда масъул котиб ўринбосари бўлиб ишлардим. Рустам Шамсутдинов фан ва маданият бўлими бошлиғи, раҳматли Мирзакарим Пирматов олдида тез-тез келиб турарди. 1991 йил 8 январда унинг “Хар биримиз учун муқаддас” номли мақоласи “Совет Ўзбекистони”да эълон қилинган кунлари катта шов-шув бўлиб кетди. Мақолада Ўзбекистон тарихи янгича талқин, янгича ёндашув ва янгича баҳоланишни кутяпти, ҳар бир олий билимгоҳда жумҳуриятимиз тарихига оид кафедра бўлсин, “Ўзбекистон халқлари тарихи” ўқув қўлланмаси тезроқ ёзилиши керак, деган масала кўтариб чиқилган эди. Бу мақола рамзий маънода бомба портлаши бўлганди.

Одамийлик фазилатлари билан элимиз назарига тушган олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Одил ака Олимжоновнинг таклифи билан андижонлик забардаст олим Рустам ака Шамсутдинов ҳузурига йўл олганимда, юқоридаги воқеа ёдимга тушди.

Йил сайин камайиб бораётган бўлса-да, хайриятки, умрини газетасиз, китобсиз тасаввур қила олмайдиган, касб-кори турли хил бўлса ҳам, мақолалар ёзадиган маърифатли инсонлар бор. Одил ака ҳам шундай хислат эгаларидан бири. Ундан Рустам Шамсутдиновнинг тарих ҳақиқатларини тиклаш йўлидаги хизматлари ҳақида эшитиб, тўғриси, шундай беназир олим ҳақида ёзишга ошиқдим...

Андижон давлат университети тузилмасидаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейга кираверишдаги катта паннода андижонлик қатагон қурбонларининг суратларига бирма-бир қарайман. Эҳҳе, Туркистон, миллат, тил, адабиёт тақдирини учун курашиб, уч мингдан ортиғи аянчли “қисмат” топган қатагон қурбонлари суратларига тикилиб, қаттиқ таъсирландим.

Рўпарадаги гулзорни суғораётган,

ёши етмишлар чамасидаги оқсоқолдан музей қачон очилишини сўрадим.

— Музей ходимлари келишган бўлса керак, кириш орқа томондан-да, — деди у. — Кимни излаб келдингиз?

Рустам ака Шамсутдинов номини эшитиши билан юзи ёришиб кетди. У университет ободонлаштириш бўлимида узоқ йиллар бошлиқ бўлиб ишлаб, пенсияга чиқса-да, боғбонлиқни давом эттираётган экан. Газета журналисти эканимни билиб, домла Шамсутдинов ҳақида гапириб кетди.

— Рустам ака камбағалларвар инсон, — деди у. — Кўпинча боғбонлар, қоровуллар ишлаб турган пайтимизда, “бугун неча кишисизлар?” дейди-да, шунга қараб қўлимизга пул беради. “Ош дамлаб енглар”, дейди. Жуда қўли очик, мард инсон. Бинони айланиб ўтганимизча боғбондан Рустам ака ҳақида анча илиқ гапларни эшитдим. Яхшиликнинг ортидан яхши гап келади-да!

У келишилган вақтда музейга етиб келди. Ходимлари худди отасини кутиб олган фарзандлардек домлани қарши олишди. Қадди-қомати, ҳаракат-ғайратиди сокинлик нуроний жисмига ярашиб турибди.

“Ёшингизга етиб юрайлик, домла, умрингиз янаям узоқ бўлсин!” деб кўнглимдан ўтганини билдириб қўйдим.

Андижон давлат университети тузилмасидаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи залларидан оралаб директорнинг хизмат хонасига кирдик.

— Шевангиз бизларниқига яқин экан, қаерда туғилгансиз? — деб сўради Рустам ака.

— Ўшнинг Аравониданман. — Ҳабиб Абдуллаевнинг юртиданмисиз?

— Ҳа.

— Ҳабиб Муҳаммедович билан Москвада аспирантурада ўқиганимда танишганман. Биринчи кўришганимиздаёқ назарига тушиб қолдим. У ўзбекистонлик аспирантларга, докторантларга чексиз меҳрибон эди. Бизларга пул берарди, иссиқ овқатлар ташкил қиларди. Айтишларича, унинг ташаббуси билан Ўзбекистондан борган олимлар учун ётоқхона ҳам куриб берилган экан. Шахсларсиз тарих бўлмайди. Академик Ҳабиб Абдуллаев тарихий шахс бўлган.

Аравоннинг ҳавоси мусаффо, анжир, анорлари бошқача ширали бўлади-да, — дейди у.

— Тоза ҳавосига кўз тегди, Аравон тоғлари ҳам ем бўлаётир, тоғ эта-

гида цемент заводлари қурилган, — дейман.

— Аравонга қўшни Булоқбошининг Ширмонбулоғида ҳам цемент заводлар кўпайиб кетди. Замона зайли шу экан. Тоғлар емирилаётир, экология бузилаётир, шиддат билан баланд-баланд бинолар қуриш давом этаётир.

Рустам аканинг эслашича, Ўш архивида ишлаган пайти — 1961 йили вилоятдаги ўзбек тилида чиқадиган “Ленин йўли” газетасида унинг биринчи мақоласи босилган экан.

— Мактабда ўқиб юрган чоғларимда “Ленин йўли” газетасида менинг ҳам йигирмадан ортиқ мақола ва хабарларим чиққан эди, — деб домлага мактаниб қўйдим.

Рустам ака кўнгли очик, самимий сўхбатдош экан. Бир зумда гапимиз гапимизга қовушиб, қадрдонлардек бўлиб қолдик.

“Қатагон қурбонлари хотираси” музейига “музейлар музейи” деб таъриф берилгани бежиз эмас экан. Домла билан шу қутлуғ даргоҳ залларини оҳиста айланамиз. Бу музейни қатагон тегирмони гирдобига ғарқ бўлган андижонлик уч мингдан ортиқ мазлумлар учун қурилган қасрга ўхшатдим. Ўтган кунлардаги Андижонни яхшироқ билмоқчи бўлганлар, албатта, музейга бир келсин, кўрсин, тафаккур қилсин. Умрини, кўз нурини илмга бахшида этган, сир-синоатлари темир пардалар ортига яширилган аянчли тақдир эгалари руҳларини шод этишдек савоб ишни қойил қилиб уddалаган, пировардида музей бунёд этган улўғ олимга таъзим қилсин!

— Қатагон қурбонлари ҳақида маълумот йиғишга анча илпикли умрингизни бағишлабсиз, катта маблағ сарфлабсиз. Бу қадар жонқидолиқнинг сабаби нима? — дея домлага юзландим.

— Раҳматли Темурбек катта дадамнинг укаси Абдужаббор қори Асқаровни диний уламо бўлгани учун 1937 йили НКВД жаллодлари олиб кетишди, — дея домла ғамгин ҳикоясини бошлади. — Катта дадам укасининг изини қидириб Москвага борган экан. Қанчалик уринмасин, ҳеч қанақа маълумот топа олмайдим. Мен ҳам Ўзбекистон махсус идоралари ва Россия Федерациясининг турли ўлкаларидаги федерал хавфсизлик хизматлари архивларига кириб қидирдим. Абдужаббор қори Асқаров ҳақида бирор-бир хужжат топмадим.

Қатагон йилларида қанча тақдирлар шундай мавҳумликка кўмилиб кетгани ҳақида ўйлашнинг ўзи жуда оғир.

Музейни ташкил этишдаги домланинг машаққатлари ҳақида батафсил ёзсам, газета саҳифалари тўлиб кетади. Шу ёшда ҳам теран фикрлайдиган, қувваи ҳофизаси кучли, тарих фанининг билимдон олими ҳузурида ўзимни жудаям ожиз сездим. Рустам аканинг ҳикояларини тинглаб, тарихни билганимдан билмаганим минг чандон кўп эканлигига амин бўлдим.

Домланинг атрофида бир-биридан маданиятли, юз-кўзларидан ҳам устозига меҳру муҳаббати балқиб турган шоғирдларини кузатиб, ҳавас қилдим. Ҳақиқий олим бўлиш бахт экан, саодат экан.

— Мен устозимдан энг аввало илмга садоқат, аниқ далилларга асосланган фикрлаш ва мунтазам изланишда бўлиш каби юксак фазилатларни ўргандим, — дейди тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Азизбек Маҳмамов. — У кишининг ҳар бир илмий ишларга ёндашуви, танқидий фикрлаш услуби ва талабчанлиги менга катта ибрат бўлди. Шунингдек, устозимдан илмга ҳалол хизмат қилиш, плагиатдан йироқ бўлиш ва ўз фикрини мустақил

баён эта олишни ҳам ўргандим.

Илмий фаолияти давомида Рустамбек Шамсутдинов 3 нафар фан докторига, 16 нафар фан номзодига раҳбарлик қилгани, ҳозир яна ўнга яқин ёш тадқиқотчилар устози изидан бораётгани ҳам унинг олимлик салоҳияти қанчалик юқорилигидан дарак бериб турибди.

— Илм билан, фан билан тирикман, — дейди у. — Илмий устозларнинг назарини топган омадли олимларданман. Ҳаётим китоб ва газета билан завқли. Ҳар куни олти-етти қоғоз ёзмасам бўлмайди.

— “Жадид” газетасининг деярли ҳар сонида қатагон қурбонлари ҳақидаги мақолаларингиз босилиб турибди, — дейман домлага. — Шу мавзудаги газеталарда босилган мақолаларингизни музейга ҳам қўйибсиз. Энди бир таклифим бор. Сиздек ноёб иқтидорли фарзандни тарбия қилган ота-онанинг қабрини зиёрат қилмоқчиман.

— Дилимдаги туйғуни суғуриб оляпсиз, қалбимга ўт ёқдингиз!

Домланинг дил сўзи мени ҳам таъсирлантириб юборди...

“Эйвой ота” қабристони. Домланинг отаси Темурбек ўғли Шамсиддин, онаси Раҳимберди қизи Хуртожхон қабрлари ёнма-ён экан. Ўтганлар руҳига тиловат бағишладик.

— Кўрган-билганнинг фарзанди бўлиб дунёга келиш ҳам бахт, — дейди у. — Раҳматли отамдан, онамдан олган ҳаёт сабоқларим мени одам қилди, мени олим қилди. Отанга қилсанг, болангдан қайтар экан. Фарзандларим, ўғилларим мени ҳам, онаси раҳматли Фотимахонимни ҳам ҳеч қачон, ҳеч нарсага муҳтож қилмадилар. Дуненинг беш қитъасини кўрдик. Илмим мени олимлар даврасида азиз қилган бўлса, ўғилларим мени одамлар даврасида азиз қилди. Туну кун улар ҳаққига дуодаман.

Саксон олти ёшида чет элда ишлаб чиқарилган замонавий электромобилни бошқарган домлага, илоҳо, кўз тегмасин. Шаҳар кўчаларини оралаб ахли аёли дафн этилган қабристонга бордик. Фотимахон ҳожи она қабри устида алвон гуллар очилибди. Ҳаво ҳарорати қирқ даражадан ортиқ бўлса-да, қабр ёнида майин шабада эсиб турибди. Ўн бир марта “Ихлос” сурасини ўқиб, қабристонда ётганлар, хусусан, Фотима онамиз ҳаққига бағишладик.

— Аёлимнинг жанозасини шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ўқиган эди. Шайх ҳазратлари оиламизнинг дўсти эди. Азим Тошкентдан келиб, азиз инсонларини қабрини зиёрат қилганингиз учун раҳмат, — дейди у хурсанд бўлиб.

Ўзим ҳам руҳан энгил тортидим...

— Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев туйғали биз каби олимларга муносиб шарт-шароитлар яратилди, — дейди у. — Ҳар сафар Янги йил байрами арафасида Президентимиздан табрик хати олганимда, бошим осмонга етади. Қайта-қайта дуо қиламан.

Рустам Шамсутдинов билан икки кунилик сўхбатлар асносида олган таассуротларимдан бир шингил баён қилдим, холос.

Ўзбекистонда Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг “Ўнгимдаги хотираларим” рисоласида унинг ибратли умр йўллари батафсил баён этилган. Ўқинг, бир дунё ҳикмат оласиз.

Машойихлар олимларни қўқдаги юлдузларга қиёслашади. Мен эса Рустам Шамсутдиновни порлаб турган йўлчи юлдузлардан бирига ўхшатдим.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ХОРИЖ

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ БЎЙИЧА РЕЗОЛЮЦИЯ

БМТ Бош Ассамблеяси Тожикистон ташаббуси билан сунъий интеллект бўйича резолюцияни қабул қилди, деб хабар тарқатмоқда Тожикистон ТИВ матбуот хизмати.

Таъкидланишича, ҳужжат таълим, стартаплар ва халқаро ҳамкорликка эътибор қаратган ҳолда ишончли ва хавфсиз технологияларни ривожлантиришга қаратилган.

Лойиҳани тузилмага аъзо давлатларнинг мутлақ кўпчилиги қўллаб-қувватлади. Бу сунъий интеллектдан ахлоқий ва хавфсиз фойдаланиш бўйича глобал ҳамфикрликни шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Қарорга кўра, Душанбеда Марказий Осиёда сунъий интеллект дастурларини мувофиқлаштирувчи Минтақавий сунъий интеллект маркази ташкил этилади.



ОТА-ОНАЛАР УЧУН СУБСИДИЯ

Хитой ҳукумати уч ёшгача бўлган ҳар бир бола учун ота-оналарга йилга 3 600 юань (\$500) миқдорида ёрдам пули беришни бошлайди. Бу мамлакатда туғилиш даражасини оширишга қаратилган биринчи миллий даражадаги дастурдир.

ОАВ маълумотларига кўра, ушбу қўллаб-қувватлаш стратегияси 20 миллион оилага ёрдам беради. Ҳар бир бола учун жами 10 минг 800 юангача субсидия тўланади. Дастур 2024 йил бошидан амалий кучга эга бўлиб, 2022–2024 йилларда туғилган болалари бор оилалар ҳам қисман тўлов олишлари мумкин.

Хитойда аҳолининг камайиши давом этмоқда. Ўтган йили ўлкада 9,54 миллион бола туғилган, бу бир йил аввалги кўрсаткичдан бироз юқори бўлса-да, умумий аҳоли сони учинчи йил кетма-кет қисқарди. Ҳукумат сўнгги йилларда турли вилоятларда маҳаллий рағбатлантириш чораларини синая кўрган. Масалан, Ҳоҳот шаҳрида учинчи фарзандли оилаларга 100 минг юангача, Шенянгда эса учинчи бола учун ойига 500 юань тўланади.

Демографик инқироз хавфи фониде Пекин маҳаллий ҳокимиятларга бепул мактабгача таълим дастурларини ишлаб чиқишни ҳам буюрди. Тадқиқотларга кўра, ХХРда бир болани 17 ёшгача вояга етказиш ўртача 75 минг 700 долларга тушади, бу эса туғилишларнинг камайишига сабаб бўлаётган омиллардан бири сифатида кўрилмақда.

ҚИРУВЧИ САМОЛЁТЛАР БЎЙИЧА ШАРТНОМА

Туркиянинг “TÜSAŞ” концерни Индонезия билан 48 та “KAAN” қирувчи самолётини етказиб бериш бўйича шартнома имзолаганини эълон қилган. Бу ҳақда “РИА Новости” наشري ёзмоқда.

Хабарда таъкидланишича, ушбу келишув Туркия тарихидаги ҳарбий-саноат комплекси маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича энг йирик битим ҳисобланади.

Мамлакатлар ўртасида имзоланган тегишли келишув июнь ойида Туркия президенти томонидан эълон қилинган эди. Индонезияга “KAAN” қирувчи самолётларини етказиб бериш бўйича расмий шартнома “IDEF” мудофаа кўргазмаси доирасида имзолангани айтилмақда.

— Биз мудофаа маҳсулотлари экспорти бўйича энг йирик келишувдан мамнунмиз, — дейилади концерннинг ижтимоий тармоқ орқали тарқатган хабарига.



ГРУЗИЯДА НАТО МАШҒУЛОТЛАРИ БОШЛАНДИ

Грузиядаги Крцаниси ҳарбий базасида НАТОнинг “Agile Spirit 2025” кўп миллатли машғулотларининг очилиш маросими бўлиб ўтди, деб хабар бермоқда “РИА Новости” наشري.

Таъкидланишича, асосий машғулотлар минтақадаги икки давлат – Грузия ва Туркияда ўтказилмоқда. Уларда АҚШ, Туркия, Польша, Германия, Италия, Греция, Грузия, Молдова, Руминия, Болгария, Словакия, Литва ва Украина ҳарбийлари иштирок этмоқда. Арманистон ва Япония қуроли кучлари вакиллари кузатиш сифатида қатнашмоқда.

Машғулотларнинг асосий таркибий қисмлари кўмондонлик-штаб бўлини, Сенаци-Вазини йўли устасида Грузия-Америка тактик гуруҳи, қўшма ўқ отиш машқлари, махсус амалиётлар кучларининг биргаликдаги ҳаракатлари ва Грузия мудофаа кучлари Жанговар тайёргарлик марказининг текшируви бўлади.

Грузия Мудофаа вазирлиги келтирган маълумотга кўра, машқлар 6 августга қадар давом этади.



ТРАМП БОСИМНИ ОШИРМОҚДА

АҚШ президенти Дональд Трамп Украинада ўт очишни тўхтатишга эришиш учун ажратилган вақтни қисқартириш ниятида.

— Мен бу 50 кунни янада қисқартирмоқчиман, чунки жавоб қандай бўлишини жуда яхши биламан, — деган у Шотландияда Британия бош вазири Стармер билан учрашуви олдидан журналистларга.

Маълумки, жорий йилнинг 14 июль куни Қўшма Штатлар етакчиси Москвага Киев билан тинчлик келишувини талаб қилиб, 50 кунлик вақт белгиллаган эди. Шартлар бажарилмаса, у нефть, газ ва бошқа энергия ресурсларини сотиб олувчи мамлакатларга иккиламчи божлар билан бир қаторда, Россия товарлари импортига 100 фоизлик тарифлар жорий этиш билан таҳдид қилганди.

Шу билан бирга, Трамп АҚШ ва ЕИ Киевга Америка қуролиларини жўнаштига келишиб олганини, бунинг учун харажатлар Европада тўғри келганини айтди. Келгуси етказиб беришлар нафақат ракетааларни, балки “Patriot” ҳаво мудофаа тизимларини ҳам ўз ичига олади.



Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

✓ МУТОЛАА

Бугунги мураккаб замонда одамлар калбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш масаласи Янги Ўзбекистон жамияти ва давлатининг доимий эътиборида турибди. Бу борада ажодларнинг меросини ўрганиш, бой маънавиятимизга муносиб бадийи адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Нотинч ва таҳликали замонда азалий қадриятларни, одамлилик қиёфасини сақлаб қолиш тобора мушкул бўлиб бормоқда. Мана шундай мураккаб вазиятда илоҳий сарнашмалардан қувват олиб, вақт ва макон чегаралари оша гуманистик идеалларни тараннум этадиган асл санъат, мусиқа ва адабиёт халоскор куч бўлиб майдонга чиқиши зарур”.

Москва­нинг “Ладомир” нашриётида нашр этилган “Замонавий ўзбек шеърияти антологияси” (“Антология современной узбекской поэзии”) китобини ана шу қақирикқа муносиб амалий жавоб, дейиш мумкин. Ушбу мух­ташам назмий тўпламга Ўзбекистоннинг машҳур 122 нафар шоири ижодидан намуналар киритилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги биринчи марта рус тилига таржима қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида антологиялар нашр этиш борасида мақбул анъана шаклланганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бундан бир мuddат олдин бир жилдлик ва кўп жилдлик антологиялар чоп этилганди. Айни чоғда, “Замонавий ўзбек шеърияти антологияси”ни мутлоаа қилиш асосида каминани ҳам, ушбу тўпламининг масъул тузувчиси, таниқли рус шоири Михаил Синельников жорий йил февралда Ўзбекистоннинг Москвадаги элчи­хонасида бўлиб ўтган тақдиротда қайд этганидек, “замонавий ўзбек шеъриятининг юксак савияси ҳайратда қолдирди”.

“Илик эпкинлар” даври шеърияти

“Замонавий ўзбек шеърияти антологияси” гоят салмоқдор 4 та фаслдан ташкил топган. Бу фаслларда мустақил Ўзбекистон дунё майдонида пайдо бўлиши учун мустаҳкам замин яратган бир-биридан муҳим тарихий воқеалар юз берган кейинги ўн йилликлар давомида ижод қилган ва том маънода кашфиётга айланган етук шоирлар ҳақида мухтасар маълумотлар ҳамда уларнинг шеъриятидан туркум намуналар жамланган.

Антологиянинг дастлабки фасли “Илиқлик” (“Оттепель”) деб номланади. Фаслга бундай ном танлашда, албатта, айни сўзнинг табиат ва иқлим билан боғлиқ мазмунни эмас, балки жамият ҳаётига бевоcита тааллуқли сиёсий ва ижтимоий маъно-моҳияти назарда тутилган. Зеро, илк бор “илиқлик” сўзини сиёсий маънодаги тушунча сифатида қўллаган шахс ҳам шоир бўлган. Гап шундаки, машҳур рус шоири Фёдор Тютчев Александр II подшоҳлик қилган даврнинг дастлабки йиллари­га айнан шундай таъриф берган.

Антология биринчи фаслининг номланишга келсак, бу ўринда собиқ СССР тарихида Сталин ўли­мидан кейин Хрушчёв раҳбар­лик қилган тахминан ўн йиллик қисқа давр ҳақида сўз бормоқда. Нoраский тилда “Хрушчëв даври илиқлиги” ёки шунчаки “Илиқлик” деб

юритилган ана шу даврда — 1953 ва 1960 йиллар оралиғида мамлакат ички ҳаётида “илиқ эпкин”лар эsgан.

Хусусан, Сталин шахсига сифиниш қораланган ва қатагон сиёсати фoш этилган. Сиёсий маҳкумлар озодликка чиқарилган ва ГУЛАГ қамoқхоналар тизими тугатилган. Шафқатсиз тоталитар бошқарув ўрнини анчагина юмшоқ диктатура эгаллаган. Шунга яраша сиёсий ва ижтимоий ҳаёт анчайин эркинлашган, ғарб дунёсига очиклик сиёсати қучайган.

Айни чоғда, цензура бир қадар сусайган, сўз эркинлиги даражаси озми-кўпми яхшиланган, ижод қилиш учун имкониятлар ошган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ўша даврда собиқ Иттифoқ таркибида бўлган Ўзбекистонда ҳам

АДАБИЁТ — ХАЛҚНИНГ ЮРАГИ, ЭЛНИНГ МАЪНАВИЯТИ КЎЗГУСИ
(“Замонавий ўзбек шеърияти антологияси” тўпламини ўқиганда туғилган мулоҳазалар)

бошқа соҳалар қатори адабиётнинг, хусусан, шеъриятнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Шунинг учун эл орасида ўша даврга мансуб ижод аҳлига нисбатан “Илиқлик даври болалари” (“Дети оттепели”) деган таъриф қўлланилган.

Антологиянинг илк фасли шу долғали даврда ўзбек шеърияти осмонида юлдуздек порлаган ёркин номлар — Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Эътибор Охунова, Тўра Сулаймон, Нормурод Нарзуллаев каби XX асрнинг 60-70-йилларида ҳар бир чиқиши муҳлислар юрагида ҳайрат ва олқиш уйғотган шоирлардан 28 нафарининг ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Бу даврда ижод қилган шоирларимизнинг шеърлари, аввало, “инқилобий-социалистик қақирқлар”дан узоқлашиб, аксинча, миллат, халқ, Ватан тушунчалари жўшқин ва самимий оҳангларда тараннум этилгани билан ажралиб туради. Яна бир муҳим хусусият: ушбу давр шеърияти шаклан замонавий бўлса-да, моҳиятан — шеърый санъатларга бойлиги нуктаи назаридан мумтоз шеъриятга анча яқин, назаримизда.

“Қутиш даври” ижодкорлари

Шоирлар — ҳуррият, озодлик мамлакатининг фуқароларидир, дейишади. Шу маънода, “Замонавий ўзбек шеърияти антологияси”нинг иккинчи фасли айнан “Қутиш даври” (“Время икканция”) деб номлангани беҳиз эмас. Чунки ушбу фаслдан ўрин олган шоирлар ҳаёти ва ижодида шўролар замонидан норозилик қайфияти, Истиқлол, яъни Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва Туркистон бирдамлиги ғояларига интилиш кучлилиги сезилиб туради.

Хусусан, Антологиянинг иккинчи фаслини бошлаб берган машҳур шоир Рауф Парфига исенкoн истеъдодли ва тақдирли шоир, деб берилган таърифнинг замирида катта ҳақиқатлар ётибди. Рауф Парфи шеъриятининг асо-

сий мавзуси — шахс эрки, Ватан мустақиллиги ва Туркистон, турк дунёсининг бирлиги эканлиги ҳам шундан далолатдир.

Мазкур фаслдан, шунингдек, Ҳалима Худойбердиева, Анвар Обиджон, Тилак Жўра, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Икром Отамурод, Мирзо Кенжабек сингари 40 нафар ҳассос шоирнинг ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар жой олган.

Бу шоирларнинг қарийб ярми бугунги кунда орамизда йўқ. Қолган йигирмага яқин шоир билан замондош яшаяпмиз, уларнинг орасида камина билан бирга ишлаган ва ҳозир ҳам ҳамкорларимиз бўлган Маҳмуд Тоир, Шарифа Салимова, Фарида Афрўз каби таниқли ижодкорлар бор.

Яқинда шу фаслда шеърлари берилган машҳур шоир Сирожиддин Саййиднинг “Ярим аср девони” номли китобини мутлоаа қилдим. Китобда шоирнинг роппа-роса 50 йил давомида битган шеърларидан бой намуналар жамланган.

Муҳими, эл-юртимиз тарихи, қисмати, дардини қуйлашни ўзи учун фарз ва қарз деб билган дилбар шоир Сирожиддин Саййиднинг она халқимиз оғир, синовли кунларда чеккан заҳмат муҳнатларига, андуҳ ва изтиробларига ҳамдард бўлиб ёзган ўтти назм намуналаридан токи янги замон руҳи кенг қўлмада ўз ифодасини топган манзумаларигача — сара асарлари ҳам ягона муқова қатида ўз мужассамани топибди. Бу, албатта, гоят манзур ижодий ёндашув ва ҳар томонлама мақбул ечим.

“Янги авлод” шоирлари

Антологиянинг учинчи фасли “Янги авлод” (“Новое поколение”) деб номланган. Ушбу фаслдан Одил Икром, Абдували Ҳўбиддин, Амиркул Каримов, Ҳалима Аҳмад, Карим Баҳриев, Эшқробил Шукур, Рустам Мусурмон, Фахриёр, Зебо Мирзо, Салим Ашур каби 26 нафар забардаст шоирнинг ҳаёти ва ижодига мансуб маълумотлар ўрин олган.

Ушбу шоирлар собиқ шўро замонида таҳсил олган, уларнинг илк шеърлари ўша давр матбуотида эълон қилинган. Аммо бу ижодкорлар айнан Ўзбекистон мустақиллиги даврида янги авлод мақомида адабиётимизга дадил кириб келди.

Бу шоирларнинг китоблари Истиқлол йилларида нашр этилмоқда, ижоди изчил юксалиб бормоқда. Улар бугунги кунда жамият ва давлат ишларида ҳам фаоллиги билан ажралиб туради.

Янги авлод шоирлари сафида Ғулом Мирзо номини қўрганимизда, янада мамнун бўлдим. Мен бу шоирнинг ижодини кўп йиллардан буён кузатиб бораман, шеърый китобларига сўзбоши ва тақризлар ёзганман. Ғулом Мирзо

шеърларида гарчанд Ватан, Миллат, Истиқлол сўзлари кўп учрамаса ҳам, шоирнинг бутун ижоди, аслида, шу муқаддас маъво-ю улўф қадриятларимиз тараннумига бағишланганини ҳис этиш қийин эмас.

Давлатимиз раҳбари нутқларидан бирида: “Адабиёт — халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси”, деб эътироф этганди. Камина Антология саҳифаларидан жой олган шеърларни ўқир эканман, айни эътироф қанчалик ҳаққоний эканига яна бир бор амин бўлдим.

“Келажакка интилиб”
Антологиянинг тўртинчи фасли “Келажакка интилиб” (“И будет день...”) деб номланган. Бу фаслга Хосият Рустам, Ғўзал Бегим, Ориф

Тўхташ, Рустам Мирвоҳид каби 28 нафар навқирон шоир ижодидан намуналар тақдим этилган.

Ушбу шоирларнинг аксарияти — Мустақиллик даврининг фарзандларидир. Янада эътиборлиси, улар аллақачон ўз ижоди билан Янги Ўзбекистонни бутун дунёга тараннум этмоқда.

Биргина мисол: ҳассос шоира Хосият Рустамнинг шеърлари ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинган ва чоп этилган. У қатор халқаро шеърый фестиваллари ва форумларида қатнашган. Бир қанча халқаро адабий мукофотларга, жумладан, 2015 йили Озарбайжоннинг Микоил Мушфиқ номидаги адабий мукофоти­га ва 2018 йили Таиландда ўтказилган Халқаро адабий фестиваль совринига сазовор бўлган.

Ушбу шоирларимизнинг шеърларини мутлоаа қилар эканман, таниқли шоир ва таржимон Михаил Синельниковнинг мана бу фикрлари ҳаёлимдан кечди: “Улар, шубҳасиз, ўзбек маданий меросининг муносиб давомчиларидир”.

Саховатли ҳомийлар, моҳир муҳаррирлар ва таржимонлар хизмати беқиёс

“Режали иш — натижали иш”, деганлари бежиз эмас. Бинобарин, ушбу Антологиянинг рисоладайгидек шакл-шамойил ва мазмун-моҳият касб этишида ишга айнан режали асосда ёндашилгани муҳим роль ўйнаган.

Аввало, “Замонавий ўзбек шеърияти антологияси” юртдошимиз Алишер Усмоновнинг “Санъат, фан ва спорт” хайрия жамғармаси ҳамда “Ладомир” нашриёт-матбаа ижодий уйи қўмағида чоп этилганини эҳтиром ва эътироф билан таъкидлаш фаруз қарадир.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, “Ладомир” ноширлик уйи 2021-2022 йилларида ўзбек мумтоз шеъриятининг барча даврларига оид буюк вакиллари ижодини ўз ичига олган икки жилдлик “Ўзбек шеърияти антологияси”ни нашрга та-



йёрлади ва чоп этди. Учта китобнинг барчаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда дунё юзини кўрди.

Шу ўринда сўнгги йилларда мамлакатимизда “Рус адабиёти дурдоналари” 100 жилдлик асарлар мажмуаси нашрдан чиққанини ҳам таъкидлаш лозим. МДХ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистонда нашр этилган ушбу қамровдор мажмуага рус адабиётининг олтин даври — Пушкин замонидан то XX асрнинг охиригача бўлган йилларда яратилган энг яхши асарлар киритилган.

Эътиборли жиҳати, “Замонавий ўзбек шеърияти антологияси”ни тайёрлаш учун Ўзбекистон ва Россиянинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари ҳамда машҳур адибу олимлардан иборат Ҳомийлар кенгаши ва Таҳрир кенгаши фаол иш олиб борди. Китобнинг илк саҳифаларида ушбу Кенгашлар аъзоларининг рўйхати келтирилган бўлиб, уларга чин қалбдан самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, сенатор Сирожиддин Саййид Антологияга битган кириш сўзида қайд этганидек, “Шеърят — ҳаётбахш ёлқиндир, “қадрдон тандир”лардан — миллий ўзлик моҳиятидан тараладиган бу жонбахш оловнинг нури ҳамда тафти барча халқлару юртлардаги инсонлар қалбини ёритиш ва илтишга қодир”.

Хулоса қилиб айтганда, аввало, мазкур Антология ўзбек, умуман, Шарқ ва жаҳон шеъриятига бефарқ бўлмаган рус тили китобхонларда қизиқиш уйғотиши тайин. Мада­ниятларимиз уйғунлигининг мўъжаз намунаси ҳисобланувчи ушбу мух­ташам китоб Ўзбекистон ва Россия ҳамда икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга муайян ҳисса қўиши шубҳасиз.

Шоирларимиз ижоди ҳақида сўз борганда, Президентимиз шундай дегандилар: “Битта китоб ёзиш, битта шеър ёзиш учун шоир ўнта китобни ўқиши керак. Бундай ижодкор давлат томонидан қўллаб-қувватланиши лозим”. Бугунги кунда жамиятимиз рабати ва давлатимиз қўллаб-қувватлаши туфайли Янги Ўзбекистон шоирларининг шеърлари дунё тилларига таржима қилинаётгани ва изчил нашр этилаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Акмал САИДОВ,
академик.

✓ ЖУРНАЛИСТ МУЛОҲАЗАСИ

ЎЗБЕК НАВОЙИЙ УҚИБ ЎҚИСА...

Ҳар йили ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг таваллуд кунини яқинлашаверса, ташкилотлар, ўқув юртлари, ҳатто богча болаларигача жонланиб қолишади. “Назм ва наво”, ғазалхонлик кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар авж пардага кўтарилади. Бу ҳолни кузатиб, буюк Навоийнинг ворислари бўлганимиздан кўксимиз тоғдек кўтарилади. Бироқ бир нарсасиз бизни чуқур ўйлантиради. Аксар тадбирларнинг хўжақўрсинга ўтказилаётганини икки ўн беш — бир ўттиздек сезиб қоламиз.

Илгарилари интернет деган жонивор йўқ эди. Навоий ҳақида тайёрланган тадбирлар юзаки ўтса, бир хонанинг ичида қолиб кетарди. “Бош ёрилса — бўрк ичида, қўл синса — енг ичида”, дегандай. Жуда борса, 40-50 нафар одам кўрарди. Ҳозир йилл этган тадбирки бор, ижтимоий тармоқларга си­зиб чиқмоқда. Чунки ҳар бир ташкилот, ўқув юртининг ўз канали, аъзолари бор. Бу ерда очиклик сиёсати деган тамойил ҳам ишлайди. Қолаверса, уларнинг амалга оши­раётган ишларидан фахрлилар, кўзқўлаш тўғйуси бани одамга хос хислатдир (бирок ташкилот ва ўқув юртларининг каналларида камчиликлар ҳақида тайинли материаллар эълон қилинмайди. Бамисоли ҳамма нарсасоладайгидек. Матбуот котиблари камчиликларни туя сандиққа солиб қўнлаб қўй­гандай гўё. — Таъкид бизники: М. А.)

Ҳазрат Мир Алишер Навоий туғилган сана арафасида Сирдарё вилояти ташкилот ва ўқув юртларининг каналларида шоир ҳақида ўтказилган тадбирлар ёмғирдан кейинги кўзиқориндек бодраб кетди. Ким Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирган, бошқа биров ғазал ўқиш бўйича мусобақага қақирган. Буни челленж дейимизи, чорлов дейимизи — фарқи йўқ. Аламлиси, ижтимоий тармоқларда тарқалган аксар биро­дарларимизнинг фикрлари ниҳоятда саёз, примитив. Мактаб дарсликларидеги маъ-



лумотларни чала-чўлла айтиб беришдан нарига ўтмайди. Бироқ ўзларини Навоийнинг билдимдонларидек тутишади. Шундай кезларда ўйланлиб қолсан: мактаблардаги адабиёт фани ўқитувчиларининг мумтоз адабиётимиз борасидаги билимлари ҳаминча қадармиким деб?

Тўғри, Навоий — даҳо. Уни тушуниш анчайин билимлар: тасаввуф, ислом фалса­фаси, араб ва форс тилларидан озгина бўлса-да хабардорлиқни талаб қилади. Бунда бизга ҳазрат асарларининг насрий баён­лари ва Навоий асарларининг изоҳли луғат­лари ёрдамга келади. Бир неча мактаб кутубхоналарида бўлганимизда, бундай китобларга кўзимиз тушмади. Навоий ға­залларига шарҳлар китоби чиққан. Лекин адади жуда оз. Бу китоблар билан кўп минг сонли ўқитувчилар ва ўқувчилар армиясини озиклантириб бўлмайди. Образли айтганда, туяни чўмиш билан суюрғишдек гап. Катта тадбирларда Навоийнинг, жипла курсас, битта ғазалини ёд билмагани кимни маъруза қилса, унинг дийдиёсини ҳеч ким эшитгиси келмайди.

Ҳазратни тушуниш учун, аввало, инсон­нинг ўзида саъй-ҳаракат бўлиши жоиз. Бир вақтлар журналист ва шоир биродаримиз Мухтор Носир билан (ёш кетди, Аллоҳ раҳ­мати­га олган бўлсин) “Навоийни ким кўп ўқиб тушунади?” деган мавзуда бахслашиб қол-

дик. У кишининг қувваи ҳофизаси қучли эди. Камина бу борада мақтанолмасдим. Илк қилган ишим ҳазратнинг “Ҳазойин ул-мао­ний” девонини бир бошидан кўриб чиқиб, содда тилда битилган ғазалларини жамлаб, қўлбола китоб тартиб бердим. “Ояти ишқ” деб номлаган қўлбола китобимни ҳафсала билан безадим. Сўнгра бир умумий дафтар тутиб, маъносини тушулмаган сўзларнинг изоҳини ёзиб бордим. Орадан бирмунча вақт ўтиб, бинойидек навоийхон бўлиб қол­дим. Навоийни тушулмаганларга ўзим та­йёрлаган қўлбола китоб — “Ояти ишқ”ни кўрсатиб, камтарона маслаҳатларимни бе­раман. Албатта, бу жараёнда ҳазратни ту­шуниб ўқимоқчи бўлганларнинг сабри, ти­ришқоқлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Каминанинг бу гапларини мумтоз адабиёти­миз билдимдон, Халқаро Бобур мукофоти лауреати Ваҳоб Раҳмонов яна бир тавсия билан тўлдирдилар. “Ҳазратни тушуниш учун ёшлар кўпроқ мумтоз адабиёт дурдо­наларини ёд олишлари керак”. Ваҳоб ака­нинг ўзлари бу ақидага қатъий амал қи­ладилар. Учрашувларга бирга борганимизда, Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳийдан ўнлаб ғазалларни ёд ўқиб, даврани сеҳрлаб қўя­дилар. У киши айни пайтда Ғулистон давлат университетига талабаларга мумтоз ада­биётдан сабоқ берадилар.

Энди гапнинг индаллосига келсак. Кўп мисол келтириб ўтирмайман. Ҳазрат На­воийнинг 584 йиллигига бағишлаб вилояти­миздаги бир ташкилот (“гап эгасини топади” тамойиллига амал қилиб, ташкилот номини келтирмадик) раҳбарлар ўртасида шоир ға­залларини ифодали ўқиш бўйича челленж эълон қилди. Зур ташаббус бўлибди, деб қувониб кетдик. Бироқ бир кун ўтмай, таъби­миз тирриқ бўлди. Катта бир ташкилотнинг анчайин раҳбарлари Навоий ғазалларини ян­тоққа судраб шундай расво ўқидиларки, ға­забланганимиздан тепа сочимиз тикка­лади. Охири челленж ташкилотчисига сим қондик. У киши: “Танлов низоомини 10 кун ол­дин обдорганмиз. Битта ғазални рисоладагидек ўқийлмаган раҳбарлар эгаллаб турган

курсига лойикмикин?” дея узрхоқлик билан жавоб бердилар. Ваҳоланки, ушбу ка­налнинг анчагина аъзоси бор. Қолаверса, ижтимоий тармоқда раҳбарларнинг ғазал­хонлигини кўплаб кишилар кузатишади. Би­роқ бир нарсасиз бизни ҳайрон қолдирди: бир ўқирмандан бошқа ҳеч ким Навоий ғазал­ларини янтоққа судраб ўқиган раҳбарларни яни­мади, инсофга қақирмади. Бу лоқайд­ликми ёки Навоийни тушунмаслик — аниқ­лай олмадик. Шу ўринда Навоий ҳақидаги тадбирларни турли ижтимоий тармоқларда ёритган дўстларимиз матнлари имло хато­ларга тўлиб-тошганлигини айтмасак ҳам бў­лади (чаласаводлик интернетдаги баъзи гу­руҳлар ва каналлар учун касалликка айла­ниб қолган).

Мақолани ёзиш асосида ҳассос шои­римиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Вохи­довнинг машҳур “Ўзбек Навоийни ўқимай қўйсас...” деган шеъри ҳаёлимиздан бот-бот ўтди. Унда шундай пурмаъно мисралар бор:

**Ўзбек Навоийни ўқимай қўйсас,
Олтин бошининг қалла бўлгани шудир.
Беҳли қолиб, Демьян Беҳийни сўйсас,
Қора сочининг малла бўлгани шудир.**

**Ўзбек Навоийни ўқимай қўйсас,
Дод демоққа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айро ўйнаса, қулсас,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир...**

Албатта, миллатдошларимизнинг На­воийни ўқишга ҳаракат қилишаётганини табрикламоқ керак. Бироқ ўқиб ўқилмаган асарнинг фойдаси бўлмайди. Буюк педагог Ян Амос Коменскийнинг гапи бор-ку: “Ўқиб тушунмаслик — ўқимаслик билан бир”, де­ган. Демак, ўқиб ўқийлик. Айниқса, маъна­вий пири­мизнинг пурмаъно асарларини. Ҳазратнинг асарларини умалoқ ёстиқ қилиб ўқиш бориб турган уят-ку!

Мухаммадали АҲМАД,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

✓ МАКТУБ



СЕРОБЛИГИДА УВОЛ, ТАНҚИСЛИГИДА АЗИЗ

Тошкентнинг шароитлари яхши. Ичимлик суви сероб. Аммо ҳўирақлардан суви бекораа оқиб ётаганини, кимдир ичимлик сувиға машинасини юваётганини, яна кимдир томорқасини сугорётганини кўрганимизда, қишлоғимдаги суви муаммоси ёдимга тушади.

Ҳа, мен туғилиб ўсган қишлоқда сувнинг қий­мати — бебаҳо. Бундан беш йил олдин маҳалла­мизда ичимлик суви тармоғи йўқ эди. Суви муаммоси аҳолини жуда қийнади. Шундай вақтлар ҳам бўл­ганки, ҳагитто оқар суварини тинитиб истеъмол қилганмиз. Иккинчи етарилар тоза ичимлик сувини сотиб олар ёки ўзлари келтирар эди. Қол­ганлар эса мажбурлигидан ариқ суваридан ичарди.

Ҳагитто қўшиллар туз ёки хамштуруш синаври бир-биридан суви сўраб тураган вақтлар ҳам бўлган. Кейинчалик қишлоғимизда ўзгартирлар юз берди. Маҳаллаларимиз обод бўлди. Тоза ичимлик суви келди. Ҳозирги кунда одамлар зилол суви тежаб-тергаб, исроф қилмасдан фойдаланмоқда.

Улар суви қадрини яхши билишади. Шаҳарда суви эрта-ю кеч чиқиб туради. Балки, шунинг учун ҳам унинг қадри билинмас. Гарчи биз­нинг қишлоғимизда ичимлик суви тармоғи бўлса-да, лекин унда икки кунда бир марта суви берилади. Шу боис бизда сувнинг ҳар томчисига қимматлидир. Балким, бизда ҳам суви тўхтовсиз чиқиб тураганида унинг қадрига етишмасдими? Айтишади-ку, ол­диндан оққан сувнинг қадри йўқ деб.

Ҳа, ҳаёт учун, аваало, ҳаво, суви зарур. Дейлик, кимгадир сувсиз саҳрода яшаш шарт билан жуда кўп олтин-у тиллолар берилса, у бой бўлиши мум­кин. Аммо яшай олмаслиги аниқ. Чунки сувнинг ўр­нини ҳар қанча олтин, буру жаҳоир босолмайди.

Аллоҳнинг инсонларга ато этган бебаҳо ньё­мати — сувдан тежаб фойдаланайлик, қўзимизни очайлик, уни увол қилмайлик!

Сўрайё ЎРИНБОЕВА,
ЎЗМУ талабаси.

✓ **ТЎЙХАТ ЎРНИДА**

“БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ...”

(ёхуд 60 ёшни қаршилаётган шоир дўстимиз Минҳожиддин Мирзо ҳақида дилдаги гаплар)

Кўнгил яқин инсонлар йиғилишиб турадиган бир даврамиз бор. Бу давранинг ташкил бўлганига ўн беш йилдан ошибдики, барча иштирокчилар ҳар йиғинни орзиқиб, соғиниб кутамиз. Чунки асосан матбуот, телевидение, ноширлик соҳасида фаолият юритувчи инсонлар бўлганлигимиз учун суҳбатларимиз ҳам ана шу йўналишлар атрофида бўлади. Яхши мақолалар, кўрсатувлар, китоблар суҳбатларимиз мавзусига айланади. Қисқаси, ҳар ким ўзига керакли маънавий озуқа олади.

Ушбу даврамизнинг оқсоқоли, шоир, журналист Абдунаби ака Бойқўзиев бир сафар шундай деб қолди: — Каторимизга Минҳожиддин Мирзони ҳам таклиф қилсак, нима дейсизлар? Қани эди, шундай бўлса! Чунки даврадошларга бу ном яхши таниш. Балки фаолиятлари давомида у билан йўллари кесишган, худди мен каби бир-икки суҳбатдош ҳам бўлган бўлишлари мумкин.

Мени Минҳожиддин Мирзо билан андижонлик устоз шоир Олимжон Холдор таништирганди. У “Шарқ” нашриётига навбатдаги китоби кўлэмасини олиб келган ва бу таърифга Минҳожиддин ҳамроҳлик қилганди. “Минг ой” деб номланган ушбу китоб муҳаррирлиги менга топширилганди.

Тошкент шаҳри марказидаги ўн олти қаватли соатли бинода “Шарқ” нашриёти Бош таҳририятдан ташқари кўплаб газета-журналлар ҳам жойлашганди. Минҳожиддин “Шарқ юлдузи” ва “Гулистон” журналларида бош муҳаррир бўлган йилларда у таҳририятимизга кириб турар, ёзувчи ва ношир Эркин Малик ҳузурига ёзувчи Тохир Малик таъриф буюрган кунларда Минҳожиддин Мирзо ҳам бу ижодий суҳбатларда ҳозир бўларди.

Энди юқоридаги Абдунаби аканинг таклифига қайтсак. Ўшанда катта идораю давраларни кўрган одам учун бизнинг оддийгина гаштагимиз маъқул келармикин, деганга ўхшаш ўй ўтган эди ҳар биримизнинг ҳаёлимиздан.

Лекин Абдунаби ака бир гапни шунчаки гапирмайди. Кўпни кўрган одам. У билган, сезган, ҳис қилган нарсани балки биз билмасмиз?

Таклифни маъқулладик. Минҳожиддин навбатдаги “гап”имизга келди. Келди-ю... минг йиллик қадрдонлардек қаторимизга сингишиб кетди. Даврамиз янада жонланди. Адабиёт ҳақидаги суҳбатларимизга янада шира кирди. Айни шу йилларда мен пойтахтдан Марҳаматга қайтдим. Тўқсон ёшни қоралаётган дадамнинг ёнида бўлиш учун шу қарорга келдим. Оиламдагилар, ишхонамдагилар, дўстлар мени тўғри тушунишди.

Лекин ойда бир йиғиладиган даврамиз хумори мени доим тутаверарди. Тошкентга борадиган бўлсам, албатта, ўша йиғинда иштирок этишга, ширин гурунлардан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилардим. Ана шу суҳбатлардан бирида Абдунаби ака шундай деди:

— Сизга ҳавасимиз келади. Отангизга қараяпсиз, дуоларини оляпсиз. Отангиз бундан-да ортигига арзийдиган инсон. Баракалла.

Абдунаби акам нимани назарда тутаетганини биламан. Дадамнинг синовли ҳаётини сўзлаб берганман. Шеърятта ҳавасмандлигини айтиб, машқларидан ҳам кўрсатганман. “Отангиз Тоштемир ота катта шоир экан, гапимда муболага йўқ. Албатта йўқлаб Марҳаматга борамиз, дуоларини оламиз”, деганди ўшанда.

Абдунаби аканинг бу таклифини астойдил кўллаб-қувватлаган Минҳожиддин Мирзо бўлди. Айниқса, Абдунаби аканинг дадам ҳақидаги мақоласидан кейин: “Атайин Андижонга бориб дуоларини олмасак бўлмайди”, — деди Минҳожиддин.

Ниҳоят ўша кун келди. Қурбон ҳайити кунларида йўлга чиқиладиган бўлибди. 2025 йил 7 июнь, шанба — ҳайитнинг иккинчи куни. Ёз кунлари бўлишига қарамай Марҳаматда эрта-лабдан ёмғир шивалаб ёғаяпти. Ҳаво салқин. Атроф кўм-кўк. Яратгanning ана шундай улғу кунига ҳовлимизга Минҳожиддин бошчилигида дўстлар — Муроджон, Азизбек, Абдуллажон, Саиджон, Муродали, Мусулмонбек, Миркомил кириб келдилар.

Биз хонадон эгалари — укамдан тортиб синглиму жиянларимгача ҳаяжонда эдик. Ахир, Тошкентдек шаҳри азимдан дадаимизни зиёрат қилтишга дўстлар келишди. Қувонмай бўладими? Мен кўча дарвозадан узун йўлак орқали бориладиган ҳовли этагигади уй айвонидаги сўрида ўтирган дадамга меҳмонлар келганини айтдим. Кўзлари деярли кўрмай қолган дадам бу хабарни эшитиб ўрнидан туришга ҳаракат қила бошлади. Оёқлари ўзига бўйсунмади. Буни кўрган Минҳожиддин чаққонлик билан дадамнинг чўзилган кўллари ни кафтлари орасига олди:

— Ассалому алайкум. Безовта бўлманг, қимирламамг.

— Бу шоир Минҳожиддин Мирзо. Шеърларини ўқигансиз, — таништира бошладим.

— Э-э, ҳа, ҳа, — деди дадам энди кучогини очиб. — Ваалайкум ассалом. Ўқиганман, ўқиганман. Хуш келибсизлар.

— Бу Азизбек, иқтисодчи олим, тадбиркор. — Бу Муроджон, телевидениеда муҳаррир. — Бу Абдуллажон, ношир. — Бу Мусулмонбек, — “Дарё” интернет сайти журналисти.

— Бу Муродали... — шу тарзда меҳмонлар билан таништириб чиқдим. Улар дадам билан саломлашиш учун сўри четига келишар, дадам ҳар бири билан бағирлашиб кўришиш ниятида кучогини очарди. Таништирув тугагач Минҳожиддин дўстлар номидан дадамнинг елкасига бежирим енгил чопон ёпди. Бундай эҳтиромни кутмаган дадам ҳаяжонланганидан “ия-ия” дея бир сўзни такрорларди.

Шу орада Минҳожиддин кимгадир кўнғироқ қилди. У ёқдан жавоб бўлгач, телефонни дадамнинг кўлига тутқазаркан:

— Бу Абдунаби акам. Бугунги таърифимизнинг асосий сабабчиси. Бир оз бетобланиб, келолмадилар, — дея тушунтирди.

Дадам “Шундайми, шундайми”, деб телефонни қулоғига тутди. Абдунаби акамга миннатдорлик билдириб, такрор-такрор раҳматлар айтди.

Танишув ва ҳол-аҳвол сўраш тугагач, дадам меҳмонлар ҳақида дуо қилди.

Ёмғир ҳамон майдалаб ёғар, ҳаво салқин, кайфиятимиз каби ёқимли эди. Назаримда ҳовлимизни бу қадар файзли ва тароватли кўрмагандим.

Меҳмонларни ичкарига таклиф қилдим. — Отамиз-чи? — деди Минҳожиддин дадам жойидан қимирламай ўтирганини кўриб.

— Мендан хижолат бўлманглар. Қаричилик, — деди дадам. — Сизлар киринглар. — Унда биз ҳам шу ерда ўтира қоламиз, — деди Минҳожиддин астойдил.

— Дадамга шу жой қўлай, ўрганганлар. Укам, жияним доим ёнларида. Шундан кейингина меҳмонлар ичкарига кирдилар. Шу паллада дадамнинг жияни, ҳам ён қўшнимиз Норқўзи акам келиб қолди.

— Чиққанинг яхши бўлди. Меҳмонлар ёнига кир, — деди қистаб дадам. Дастурхон атрофига жойлашиб олишгач, Минҳожиддин Норқўзи акамга қараб:

— Орамизда ёши улуги сиз экансиз, ака. Бир дуо қилинг, — дея лутф қилди.

Табиатан тортинчоқ бўлган Норқўзи акам ўтирганларнинг “сири” босдимни, бир оз ҳаяжонланиб дуо қилди.

Мен меҳмонларнинг кўнглини ололдимми ёки йўқми, билмадим. Лекин Минҳожиддин бу даврани гўзал, маъноли суҳбатлари билан теда ўзига ром қилиб олди. Қизиги, у бирон мавзунини ўзи ташаббус қилиб бошламасди. Суҳбатдошлари бошлаган мавзунини — у адабиёт, тарих, илм-фан, техника оламидаги янгиликлар бўладими — барчасини жуда аниқ мисоллар билан тўлдирадиди, ҳайратланмасликнинг имкони йўқ эди.

У тугилмай, дон-дона қилиб сўзлар, шунинг учун ҳаммага тушунарли ва қизиқарли эди. Унинг гаплари ширали, фикрлари теран, баландпарвоз жумлалардан йироқ, давранинг руҳига мос эди. Эшитувчини сўз билан гоҳ қулдириб, гоҳ ўйга толдириб сеҳрлаб оларди. Бундай рутбага Аллоҳ бандасига юқтирсагина эришишини Минҳожиддин тимсолида кўриб турардим.

Назаримда, суҳбат жуда қизиқарли давом этар, мавзулар ўзгариб турар, Минҳожиддин боя айтганимдек ҳар соҳанинг билимдони каби таҳлил қиларди-ю, лекин ўзи севган адабиёт, шеърят давра суҳбатининг мавзусига айланишига шошилмасди. Менинг эса ичим қизиб борарди. Негаки, улар бу ердан чиқиб, яна бир жойга боришлари керак эди. Вақт эса ўтиб борарди. Наҳотки бугун бу ерда шеърятдан сўз очилмаса, шеър ўқилмаса? Бир муддат ўтиб, гоҳ саволнинг жавобини ҳам топгандай бўлдим. Ахир бу ерда ҳозир бўлганлар турли соҳа вакиллари. Зўрма-зўраки шеърятдан гап олиш ҳаммага ҳам хуш келмас. Бу жавобим ўзимга ҳам маъқул келди. Минҳожиддиннинг закиилигига қойил қолдим.

Энди ташаббусни ўзим кўрсатмоқчи бўлдим. Дабдурустдан шундай дедим:

— Шоира Самар Бонунинг умр йўлдоши Шарифжонни худди мана шу бизнинг ҳовлида пичоқлаб ўлдиришган.

— Йўғ-е, — деди Минҳожиддин бу гапимдан ҳайратланиб.

— Ҳа, шундай, — дедим деразадан тўртбеш қадам чамаси нарида кўриниб турган деворни кўрсатиб.

— У пайтларда бу девор ўрнида “Айлана” бўлган экан, яъни тегиримондан чиққан сув шу ерда кенг айлана ҳосил қилиб ёйилиб оққан.



Самар Бону Ўқчимизда ўттиз олти йил яшаган.

— Болалигимда уйимизда “Бону” деб аталган китоб бўларди. Онамиз ҳар куни бизларга Самар Бону ғазалларидан ўқиб берарди. Ўшанда 4 — 6-синфларда ўқирдик. Китоб ҳозир опамларда бўлиши керак.

Самар Бону ҳақида сўз очшимиз Минҳожиддинда кўп хотираларни уйғотиб юборган эди.

Мен ён томонда турган шкаф эшигини очдим.

— Булар отахоннинг китобларими? — деди беихтиёр китоб тўла шкафага яқин ўтирган Азизбек дўстимиз.

— Ҳабибий девони, 1971 йилги нашри. Айнан шу нашрдан менда ҳам бор, — деди Минҳожиддин қатор териб қўйилган ўзбек классиклари китоблари ичида бўйи-баста билан ажралиб турган қалин девонни кўрсатиб.

— Мана ўша онангиз яхши кўриб ўқийдиган “Бону” девони, — мен ихчамгина китобни олиб Минҳожиддинга узатдим.

— Ҳа, айнан мана шу китоб. Титул варағида уч дон-дуо гул расми бор, — у китобни кўлга олиб, сўзларининг исботи учун ўша уч дон-дуо чиройли гул расмини ўтирганларга кўрсатди. — Мана, худди ўзи.

Мен суҳбат мавзусини китобларга буриб юборганимдан хурсанд эдим. Энди Минҳожиддин даврадагиларга қўтилмаган қизиқарли суҳбат қилиб беришига ишончим комил эди.

— Айнан шу китобда муаллиф Тўхтасин Жалолов Қамбарнисо номли истеъодли шоира ҳақида дастлабки маълумотни беради, — Минҳожиддин китобни чаққонлик билан варақлай бошлади. Ниҳоят излаган нарсасини топди, шекилли, ўтирганларга юзланди:

— Қамбарнисодан фақат биргина шеър қолган. Сулаймон Ошиқ номли шоир билан мушоира тарзида битилган бу ғазал унинг фавқулдада истеъодли эканлигини кўрсатади. Мен республика радиосида ишлаб юргананда мана шу мушоира асосида радио-постановка тайёрлаганман. Жуда ажойиб чиққанди. Шоир Ошиқ образини ижро этган актёримиз Неъмат ака Холматов Қамбарнисо ролинини ўйнаётган устоз актрисамиз Мукамбар Раҳимовага қараб сўнгги байтини ўқиб бўлиши билан “Офарин, мен таслимман, Қамбарнисо!” деб юборганди. Сценарийда бундай сўзлар йўқ эди. Биз ҳам актёримизнинг бу тан беришини шундайлигича эфирга бериб юборганимиз. Чунки жуда табиий чиққан эди-да. Аслида ғазалнинг ўзи зўр эди.

Энди муаллиф китобда батафсил келтир-

ган ушбу мушоира тарихига қисқача тўхталсам, — давом этди Минҳожиддин. — Октябрь тўнтариши арафасида ҳозирги Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрига яқин Сўзоқ туманида қозиларнинг катта йиғини бўлади. Ўша пайтда қозихонада “вакил” бўлиб хизмат қилаётган шоир Сулаймон Ошиқ Ўш шаҳри қозиси Хўжахон қозига ҳамроҳ бўлиб ушбу йиғинда қатнашади. Йиғилиш тугагач, ҳамма қозилар чиқиб кетадилар. Қозихонада Хўжахон қози, Сулаймон Ошиқ ва яна бир неча киши қоладилар. Шу пайт қозихонага бир аёл билан бир эркак кириб, қутилмаганда талоқ хати сўрайдилар. Ҳар икки томон рози бўлганлиги боис қози талоқ хати ёзишга буюради. Талоқ хати ёзилиб, эр бармоғини босади. Кейин Сулаймон Ошиқ хатни олиб паранжили аёлга узатади. Аёл хатга имзо қўйиб узатади. Талоқ хатни ўқиб, Сулаймон Ошиқ хангу манг бўлиб қолади. Аёл матни остига жуда чиройли хусниҳат билан “Тақдир ўқин нишонини Қамбарнисо жафокаш”, деб имзо қўйган эди.

“Синглим, хатни кимдан таълим олгансиз? — деб сўрайди Сулаймон Ошиқ. “Қўқонлик қариндошимиз шоир Муқимийдан”, деб жавоб беради аёл.

Ушбу ўн бир байтдан иборат мушоиранинг дастлабки икки байти, яъни шоир Сулаймон Ошиқнинг мударрисига Қамбарнисонинг ўтқир жавоби қозихонанинг ўзида шундай конспирация билан ёзиладик, буни ҳатто иштирокчилар ҳам сезмай қолишади. Ўнғайсизлик бўлмаслиги учун мушоира шу ерда тўхтатилади. Қолган тўққиз байти эса Сулаймон Ошиқ Қамбарнисонни қидириб борганда ёзилади. Шундан кўп фурсат ўтмай шоира оғир хасталикдан вафот этади.

Қамбарнисоннинг аёлларимизга хос иб-о ва ҳаё уфуриб турган мушоирадаги байтларини ўқиб, унинг ақлу заковати ва истеъодига тан бермасликнинг иложи йўқ...

Минҳожиддин жуда чиройли, шу билан бирга таъсири сўзлар, ўтирганлар унинг ҳиқоясига маҳлиё эди. Жумладан, мен ҳам у бу ҳиқоясини тугатиб қўямасин-да, деган ҳадик билан унинг гапларига соме эдим.

Суҳбатдошга содда ва маъноли гапириш ҳам санъат. Минҳожиддинда ана шундай иқтидор бор. Мен буни Минҳожиддиннинг телевидение, радио ёки матбуотдаги чиқишларида, ҳатто бугунгидек оддий суҳбатларда кўп кузатганман. У қаерда қандай ва нимани гапиришни яхши билади. Бу эса унинг зиёли оилада тарбия кўрганидан, кўп ўқиганидан, яхши устозлардан таълим олганидан далолат эди.

Шу тариқа икки соат қандай ўтганини сезмай қолдик. Меҳмонлар яна бир издиҳомга таклиф этилгандилар. Кўпчиликнинг қистови билан Минҳожиддин дастурхонга дуо қилди. Унинг дуоси ҳам шеърлари каби раван ва таъсирли эди.

Меҳмонлар ташқарига чиққанларида ёмғир тинган, атроф янада яшиллаган, салқин ҳаво одамга ҳузур берарди.

Дадам билан сўрида ўтирган укам Нодирбек меҳмонлар истиқболига шошди. Жияним Солиҳбек офтобада уларнинг кўлларига сув қўйди.

Минҳожиддин келиб сўри четига — дадамнинг ёнига ўтирди. Қолганлар ҳам улар атрофига жойлашишди.

— Энди бизга рухсат берасиз. Мана, сиз билан дийдорлашдик, меҳмон бўлдик, раҳмат. Ҳовлингиз файзли, жаннатмонанд экан. Насиб қилса яна келамиз.

— Бугун қолинглар, Қодиржон қишлоғимизни айлантиради. Кўрса арзийдиган жойлар бор.

Дадам астойдил сўзлар, деярли нурсиз кўзларида, овозларида ҳаяжон аломатлари сезилиб турарди. Менга бу ҳаяжон сабаблари маълум эди. Пойтахтдек жойдан атайин дадамни кўриш учун келганлари бир бўлса, Минҳожиддин Мирзодек шоирнинг елкама-елка ўтириши икки эди. Шу дамда бундан олти беш йил аввал Андижон шаҳридаги чойхоналардан бирида шоир Жасур билан ёнма-ён ўтириб, унинг суҳбатини тинлаганлари ёдига тушгандир. Балки шунданми, дадам бирдан шеър ўқий бошлади:

— Арзани пинҳона чек,
шоҳи Эрам қўзғолмасун,
Шоҳи одили Араб бирла
Ажам қўзғолмасун...

Ғамли қуллар дудли оҳи
етти кўкни тебратур,
Нолаи зорим била
Байтул Ҳарам қўзғолмасун...

Шоира Самар Бонунинг кўплаб ғазаллари шу ерда битилган. Ёлғиз ўғли Заҳриддин қишлоғимиздаги “Миришкор ота” қабристонига дафн этилган. Авлодлари ҳозир ҳам шу ерда яшашади.

Файт шоир аҳлигагина хос бир кайфият бўлади. Назаримда, табиатан тортинчоқ дадам ҳозир ўзини унутган, бутун борлиги билан туйғуларни асири эди. Бу ҳис Минҳожиддинга ҳам бегона эмас эди. У ҳам бирдан ҳалигина ўзи таърифлаган айтишувдаги Сулаймон Ошиқ байтларини эҳтирос билан ўқий бошлади:

Ошиқнинг мударрис
Қамбар пари нисодур,
Оразлари қизил гул, кокуллари қародур.

Дадамнинг шоира Қамбарнисо ижодида ҳурмати баланд эди. Шунданми, Минҳожиддин иккинчи байтни завқ билан ўқишни бошлаганда беихтиёр дадам ҳам шоирга жўровоз бўлиб Қамбарнисо жавобини ёддан ўқий бошлади:

Кокулга қўл узатма, эй Ошиқи болокаш,
Ишқ аҳлига бу кокул гўёки аждаҳодур...

Бу энди бугунги таърифнинг энг юқори нуқтаси бўлган эди. Дадам Минҳожиддинда ўзи қадрлайдиган нарсани — мумтоз шеърятимизга катта муҳаббатни кўрганидан, шеърятдаги маслақдошини топганидан, қарашлари ҳамоҳанг эканлигидан бениҳоя хурсанд эди.

Мана шундай баланд шеърый кайфиятда дадам дуога қўл очди. Меҳмонлар ҳақида эзгу тилақлар билдириб, улар билан эски қадрдонлардек яна кўришиш умидида хайрлашди.

Эртасига меҳмонлардан ҳол-аҳвол сўраш маъносида укамиз Мусулмонбекка кўнғироқ қилганимда, у шундай деб қолди:

— Сизларникидан қайтишимизда йўлда Минҳожиддин ака дадангиз ҳақида шундай бир гап айтди: “Бир кўнглим иморати, юз Каъба зиёрати” дейилади, бугун ана шундай зиёратни амалга оширганимиздан ҳаммаимизнинг қалбимиз ёришиб кетди. Қолаверса, Тоштемир ота бизнинг ҳам қалбимизда бир гўзал кўнглим иморатини бунёд этдилар. Отаҳон билан бир-икки соат эмас, кўнаб мириқиб суҳбатлашиб завқ олиш керак экан”.


Бу дадамга берилган ҳолисона баҳо мен ич-ичимдан ҳис этган, лекин айтишга истиҳола қилган фикримга Минҳожиддиннинг эътирофи эди.

Бунинг учун катта раҳмат! Умрингиз узок, мартабангиз баланд бўлсин, ижодингиз гуркирайверсин, доимо элнинг ардоғида бўлинг!

Қодиржон ҚАЙОМОВ,
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририят катта муҳаррири.

ХИКМАТЛАР

Мавлоно РУМИЙ (1207-1273)



Эй, жонимга соҳибӣ ёр!
Сен менинг бўлганингдан
сўнг, бошқа йўқотганларим-
нинг не аҳамияти бор?!

Тупрок каби жимликка
дўнган пайтим, билки, чак-
мок каби осмонда чакнар
фарёдим...

Сенинг ишқдан ёнмоқ
насибанг бор экан, қолсанг
ҳам ёнажаксан, кетсанг ҳам.

Шуни унутмаки, баъзи би-
ровлар соғинчда ёнажак,
баъзи бировлар дийдорда.

Ранж чекма! Оёғингга
ботган тиконлар излаган гу-
лингнинг хабарчисидир.

Ким не бўлмоқ истаса
бўлсин, ул ёр бизнинг бўл-
син факат, жони жонимиз
бўлсин!

Турк тилидан Раҳмат
БОБОЖОН таржимаси.

ХАЙРАТ

РАСУЛ ҲАМЗАТОВДАН СОВГА ОЛГАН ЭЛДОШИМИЗ

Абдикул Маматов шўро-
лар замонида — 1973-1975
йилларда йигитлик бурчини
Догистонда ўтаган. Улар-
нинг ҳарбий қисми туркий
дунёнинг машҳур шоири
Расул оға Ҳамзатовнинг
дачаси билан ёнма-ён жой-
лашган экан. Кунлардан
бир куни аскарлардан бир
нечтасини машҳур шоир ҳа-
шарга қақирибди.



Дачада ишлар саранжомланган, Расул оға аскарларга зиёфат бе-
рибди. Хайр-хўшлалуш чоғида Абдикулни ёнига қақириб, акуланинг ти-
шини совға қилибди.

— Совгани эҳтиёт қил, ўғлим. Ўғирлатиб қўйма! — дея тайинлабди.
Афсуски, шоир айтгани содир бўлибди. Совгани кимдир “шимо” қи-
либди. Абдикул роса афсусланибди.

Орадан икки йил ўтган, 1975 йилда Абдикул бир ташкилотта хизмат
машинаси олиб келиш учун Россияга боришига тўғри келибди. Қайтишда
Маҳачқалга, Расул оғанинг хонадонига энибди. Шоирнинг дарвозасини
тақиллатиб, Расул огани сўроқлабди. Оиласидагилар шоир сафарда-
лигини, эртага қайтишини маълум қилибди. Абдикул хизмат қилган қис-
мига бориб, бир кеча меҳмон бўлибди. Эртасига Расул оғанинг уйига
борибди. Шоир уни танибди. Абдикул бўлган воқеани сўзлаб берибди.

— Мен ҳозир “Журавли” (“Турналар”) қўшғининг тақдимотига шоши-
ляпман. Сенга яна бир совға берайин! — деб ижодхонасига безаб тур-
ган бугу (опен) шохини совға қилибди.

— Ҳозир бу совға шахсий кутубхонамнинг энг нодир экспонатлари-
дан, — дейди фахрланиб Абдикул биродаримиз.

— “Турналар” қўшғига юртимизда, Чирчиқ шаҳрида ҳайкал ўрнатил-
ган, — дедим мен.

— Йў-э! Яхши айтдингиз. Беҳабар эканман. Албатта, “Турналар” зиё-
ратига бораман! — деди Абдикул Маматов.

PS. Абдикул Маматов “Ерқин келажак” нодавлат нотижорат таш-
килотининг асосчиси. Янгиер шаҳридаги кутубхонаси жуда машҳур —
ҳалққа очиб қўйилган. Элошларимиз матнавийташчи юксалтиришда
қўл ва ҳўл ишлар қилмоқда. Сирдарёга келган хорижлик ва маҳаллий
меҳмонлар, албатта, у кишининг хонадонига бир қўнб ўтадилар.

М.АХМАД

СУРАТДА: Абдикул Маматов ва кутубхона деворида Расул Ҳамза-
тов совға қилган бугу шохи мана шундай илиб қўйилган.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАМ ЗАРАРСИЗ ЭМАС

Ҳамкасбимиз билан тушликка чиқ-
дик. Сухбатимиз бевосита ҳозир сиз бил-
ан фикр юритмоқчи бўлган энергетик
ичимликлар тўғрисида бўлди.

— Бир куни роса чанқагандим, бир-
данига бешта “Flash” ичдим. Бошида ҳеч
нарсасизилмади. Кейин ҳолсизлантириб,
бошни айлантириб юборди, — деди суҳ-
батдошим.

Буни эшитиб диққатим ошди.
Ҳар фаслнинг ўз ўрни, фазилати бўл-
гани каби ёзининг ҳам ўзига хос томонлари
бор, албатта. Масалан, бассейндан фой-
даланиш, мумкин бўлган жойлардаги ариқ
сувида чўмилиш, турли хил таъми ичимлик-
ларни истеъмол қилиш... Лекин ҳозир сиз
билан чанққобосди рангли ичимликлар ҳа-
қида сўзлашмоқчимиз.

Иссиқ кунлар келиши билан кўпчилик
орасида “Coca-cola”, “Fanta”, “Flash”, “Red
Bull” каби турли-туман ичимликларга талаб
кучаяди. Шуларни инобатга олиб, бу каби
ичимликларни ишлаб чиқариш ҳамми ҳам
ортади. Улар эса деярли барча маскан-
ларда жойлашган дўконларнинг пештахта-
сидан жой эгаллаган. Лекин савдо шохоб-
чаларида, айниқса, йўл юзида, қуёш нури



остида сақланаётган уюм-уюм бўлиб тур-
ган маҳсулотлар инсон саломатлиги учун
жиддий хавф келтирмаслигига ким кафо-
лат беради? Ёзининг иссиқ ҳавосида ушбу
ичимликларнинг ишлаб чиқарилган санаси
ва яроқлилик муддатига кўпчилик эътибор
қилмайди. Айниқса, ёшлар, болалар учун
энг асосийси, ичимлик чанқокни босса бўл-
гани, бошқаси билан иши йўқ.

Биламизки, салқин ичимликлар, асо-

сан, пластикдан тайёрланган идишларда
қадоқланади. Бундай маҳсулотларни 2–18
даража ҳароратда, қуёш нуридан сақлаган
ҳолда, салқин ҳаво ва меъёридан ошмаган
намликда сақлаш белгиланган.

Аммо амалда бу каби талабларга уму-
ман риоя қилинмайди ҳисоб. Ичимликлар-
нинг кун бўйи қуёш нурлари тўғридан-тўғри
тушиб турган жойларда турганини кўрамиз.
Мутахассисларнинг айтишича, бундай ҳол-
ларда пластик идишлардаги кимёвий мод-
далар овқат ҳазм қилиш, танада қон айла-
ниши, асаб тизими иш фаолиятини издан
чиқаради. Яна инсон учун муҳим аъзо бўл-
ган тишларни секин-секин емириб боради.
Яна турли бошқа касалликларни ҳам кел-
тириб чиқаради.

Огоҳ бўлиш керакки, сунъий ранг берил-
ган газли ичимликларнинг онкологик ка-
салликларни келтириб чиқариш эҳтимоли
юқори бўлиб, бу айниқса, ёш болалар, ҳо-
миладор аёллар ва кексалар ана шу син-
гари ичимликларни истеъмол қилиши мут-
лақо мумкин эмас!

Газли ичимликлар таркибидаги сунъий
моддалар, ранг берувчи воситалар инсон
организмида турли реакцияларга кири-
шиб, аллергияни келтириб чиқариши мум-

кин. Болаларнинг эслаб қолиш қобилия-
тини, яъни хотирасини ҳам ишдан чиқарар-
кан.

Бундан ташқари, зўрма-зўраки қувват
берувчи ичимликлар таркибидаги зарarli
модда ҳисобланган кофеин инсон органи-
змдаги суюқликни сақлаш ўрнига, уни чиқа-
риб юбораркан.

“Red Bull”, “Flash” каби ичимликларни
эса айрим “тадбиркор”ларимиз ўзимизда
ҳам ишлаб чиқармоқда. Бу тоифа “тад-
биркор”ларга қанча кўп маҳсулот сотилса,
шунча яхши. Лекин улар бошқаларнинг са-
ломатлиги билан қизиқармиди? Албатта,
йўқ.

Мутахассисларнинг фикрича, совитил-
ган кўк чой, турли хил табиий усулда тайёр-
ланган мева шарбатлари, энг осони, оддий
совитилган тоза ичимлик суви саломатли-
гимиз учун кун фойдалар.

Шундай экан, ҳар биримиз Яратган то-
монидан инъом этилган соғлигимиз учун
бефарқ бўлмаслигимиз керак. Турли зар-
arli ичимликларни эмас, фойдали бўл-
ган табиий ичимликларни истеъмол қил-
сак, саломатлигимизни авайлаган бўла-
миз.

Мухаммадсодиқ ТЎРАЕВ.

НАСР

Темирпўлат ТИЛҲАЕВ

ТЎНГЛАШ

ҲИКОЯ

Адоғи кўринмайдиган совуқ ва изғирин ҳамма нарсани
тошдек қотирган, уй олдидаги тутнинг кучоққа ситмас та-
наси янада қорайиб, шип-шийдан шох-шаббалари қи-
ров боғлаб, дийдираб турибди; бутун Элсарой гўё тўнглаб
ётарди.

Ҳар йили тирама келиши билан йўғон навдалари — эр-
как қўллари кесилиб, ингичка, қалта бўғинли ургочи қўл-
лари — қилтириқ шохчалар бир боғ қилиб боғланиб, пуш-
тапар орасига қўмиладиган тоқлар бу йил қўмилмай, қаров-
сиз қолди.

Пажмурда ва қовжирай бошлаган қўкимтир, оқиш қиров
босган барглр билан бурканган узумзор афтода бир аҳ-
волда.

Қуш уйкуси бўлиб қолган кампир таҳорат олиш учун таш-
қарига чиққанида, эндигина тоғ боши оқариб келмоқда эди.
Файзсиз бу манзарадан унинг таъби тирриқ бўлди.

Сирланиб кетишдан қўрққандек секин ошхона томон
юриб борар экан, унинг хаёлига бундан бир неча кун бу-
рун сассиз шарпадек келиб, кун бўйи ўтган-кетгандан гурунғ
қилган Салим подачининг мийиғида қулиб турган чехраси
келди.

Кеча подачини Элсаройнинг қадим қабристонини — “Ўтаб
бобо”га қўйиб келишди; дунё шундай: бевафо.

Кампирнинг хаёлига яна ўша изтиробли ўй бостириб
кирди: “Энди гўрингни ҳам бировлар кавлаши аниқ, нима
бўлса ҳам ювгичлар бегона қўллар бўлмасин-да!”

Лекин ўтган ҳафта қизларини қақириб, қайта-қайта та-
йинлаган гаплари кампирга бироз тасалли бергандек бўлди.

— Хадича, мана бу момомдан қолган минсагимни та-
намини тутганга берасан, мана бу онамнинг билагузуги бил-
лан нимчасини сув берганга бер, мана бу уч кийимлик ше-
рози духобани сув қуйганга қўй, мана бу ўзим тўқиган га-
жари бўҳчани ўзинг ол, сингилларингга ўргатиб турганинг
учун!



Бу тайинловларга ўрганиб қолган Хадича пинагини буз-
май онасини тинчитди:

— Хўп, хўп, хўп, эна... Ҳамма гапларингиз менга ёд бў-
либ кетган, албатта, айтганингиздек қиламан...

Лекин кампир қизининг бу гапидан тасалли топмади.
Энди жиддийроқ оҳанда гапира бошлади:

— Танамни Ҳидоят тутсин: ўлиқдан қўрқмайди, Гулан-
дом суви узатсин. Ҳа, деб турмасанг, унинг лабидан учуқ
чиқади. Зулайхо қўрқмайди, аммангниям у ювганди, ювиш
унинг қўлидан келади. Сен, майли, ёшинг улардан катта,
ҳар қалай, учала сингилнинг ўргатиб тур!

— Хўп, хўп, хўп, эна, хўп дедим-ку!...

Лекин кампир унинг гапига зарра эътибор бермай, айта-
рини пишиқ-пукта қилди:

— Укангни биламан, бундай нарсаларга умуман ишон-
майди. Ўзи-ку, жойи-растониими қовлагани “Ўтаб бобо”га
Бойи билан Фахриддинга қўшиб Сафарни ҳам юборса,
олам гулистон бўларди; бегоналарга ишонмай. Ахир улар

ВОҚЕИЙ

Бу ҳикояни бир пайтлар раҳматли
бувим айтиб берганди. Шу воқеа сабаб
бўлиб, қашқирлар тасаввуримдан
чиқмай қолди. Анча вақтгача улар
ҳақида ўйлаб юрдим. Қанийди, уларни
яқиндан бир кўрсам, деган ниятим,
афсуски, армонлигича қолди...

Ботиржон билан Пўлатжон кечкурун
ўтовда овқатланиб ўтиришарди. Тўсатдан
итларнинг тинимсиз ҳуриши оламни тут-
гандай бўлди. Қўра томонда олатасир овоз-
лар эшитилиб, қўйларнинг маъраши кучая
борди. Чўпонлар ов милтиғини қўлларига
тутганича кўчага отилдилар. Қўрадаги қўй-
лар безовта бўлиб, тинимсиз маърашарди.
Итлар эса юқорига қараб тинимсиз хурар
эдилар.

— Ботир, эҳтиёт бўл! — деб Пўлатжон
осмонга қараб ўқ узди.

Ўша куни икки чўпон галма-галдан пос-
бонлик қилиб, тонг оттиришди. Бу орада
уларга қишлоқдан озиқ-овқат ва иссиқ ки-
йимлар келтириб беришди.

Кунларнинг бирида қўйларни ёйиб, те-
пада ёнбошлаб ётиб, қарта ўйнаётган ик-
кала чўпон қўйларнинг у ёқдан бу ёққа гу-
риллаб югуришаётганини пайқаб қолдишди.
Дарҳол отларни яйдок миниб, пастликка
чопдилар. Қашқирлар галаси куппа-қун-
дузи чўпонларни доғда қолдириб, ўн уч



бош қўйни бўғизлашга улгурган эди. Зумда
қишлоқ раисига хабар етказишди. Раис
ҳам “Виллис” машинасида ёнида беш-олти
одам билан тез етиб келди. Ўлган қўйларни
кўздан кечириб туриб, қўзлари қизарганича
чўпон йигитларга бақира кетди:

— Чўқдадай ухлаб ётавермай, қўйларга
яхшилаб қараш керак эди. Сенлар бориб
турган дангаса, ишқмас, такасалтанган-
лар. Кечаси бўлса ҳам майли эди, тушу-
нардим, ухлаб қолгансизлар, дердим. Бў-
ри-қашқирни кундузи кўрмаган манави қўз-
ларни ўйиб олиш керак, — деб раис икки
бармоғини никтади, ярим соат жавради.

Нари юрди, бери юрди, куйинди, бошла-
рини сарак-сарак қилиб, афсусланди.
Сўзининг охирида:

— Бу сафар сен ишқмасларни қишлоқ-
чилик ҳурмати кечирдим. Кейинги сафар
шу иш такрорланадиган бўлса, йўқотилган
қўйларнинг ҳунини гарданларингга бўйин-
боғ каби илиб қўяман, — деганича шахт бил-
лан машинасига миниб, жўнаб кетди.

Икки йигит эса довдираб, раиснинг га-
пларига жавоб қайтаришга ҳам мадорлари
етмади.

Орадан бир ҳафта ўтиб, қора совуқ
бошланди. Шамол борлиқни хувиллатиб
юборди. Иккала чўпон янги туртилган қўзи-
чоклар учун жой ҳозирлашаётганди. Яна
тўсатдан ташқарида дупур-дупур бошла-
ниб кетди. Чўпонлар таёк, милтиқларини
қўтариб, қўра томонга отилдилар. Кучли бу-
рондан қўз очиб бўлмасди.

Даҳшат! Йигирмадан ортиқ қашқир яна
қўрага ҳужум қилиб, қўйларни тумтарақай
қилиб қувлаб ётишганди. Итлар қашқир-
ларнинг ёнига келишдан хавфсирлашиб,
қўра атрофида вовуллашарди. Энди нима
қилиш керак? Бу савол ҳар иккала чўпон-
нинг миясида чархдек айланарди. Осмонга
отилган ўқнинг овозидан қашқирларнинг
қўрқмаслиги одамни лол қолдирарди.

Ботир мўлжални олиб, қўлтурган қашқир-
дан биттасини думалатди. Пўлат эса қўлига
гурут олиб, ғарам қилиб уюлган хашаққа ўт
қўйди. Катта ғарам шу даражада кучли ён-
дики, унинг шуъласидан тоғ ёришиб кетган-
дай бўлди. Шамол ёрдами билан чарсил-
лаб ёнаётган олов кўранинг ёғочларига ҳам
улашиб, гулхан янада авж олиб кетди.

Қашқирлар зумда кўздан ғойиб бў-
лишди. Қўйлар маъраб, безовта бўла бош-
лаган эдилар. Чўпонлар телбаларча ю-
риб, қўраларнинг эшикларини очиб бошла-
дилар ва қўйларни сирт тарафга ҳайдаб
солдилар. Энди олов ердаги қуруқ хас-ха-
шакларга ўтган эди.

— Сенга ким ўт қўй, деди, аҳмоқ? Энди
ҳамма нарсаси ёниб, қул бўлади-ку, — деб
бақирди Ботир.

Пўлат қўркувдан титраб, гапиришга ма-
жол итмаётган эди. Эрталабгача қолган
ғарамдаги хашақ, каталақдек икки хонали
уйлари, қўй-қўралари ёниб, қулга айланди.
Атроф қол-қора рангга бўялгандай эди гўё.
Узоққа тарқалаётган тутундан ёнининг
ҳали-бери тўхтамаслиги билиниб турарди.
Ҳар ер-ҳар ерда ўлиги қўзилиб ётган қўй-
қўзиларнинг саногий йўқ. Қолган қўйлар ҳам
бир-бирига тикилиб, бошларини қўйи сол-
ганича бир тарафга уюлишганди. Чўпонлар
қолган қўйларни қишлоқ томонга ҳайдашга
тўқидилар. Шунда тафтидан қўқриб қолган
қўй-қўзилар ўзларини ҳар томонга урди.

Чўпонлар деярли бир-бири билан гаплаш-
масди. Ўтган сафардаги раис айтган гаплар
уларнинг қулгои тағида жаранглаб турарди.

Худди шунки тургандай, тараф-та-
рафга қочган қашқирлар тўдаси ўлик қўй-
ларга ташланиб, ҳар бири биттадан судраб
кетишарди.

Пўлат ва Ботир аранг қишлоқ ферма-
сига етиб бордилар. Улар совуқдан дий-
дираб, ўйқусизлик азоби қўшмача бўлиб,
кучсиз, мажолсиз ҳолда ўзларини ерга
ташладилар. Уларнинг тана ҳарорати қўта-
рилиб, алаҳсирашар, нималарнидир гапи-

ришарди. Бу ҳолатни кўрган раис икковини
зудлик билан туман касалхонасига етказди.
Маълум бўлишича, йигитларни тутун ҳиди
уриб қўйганди. Улар шунча узоқ масофа-
дан, қай аҳволда келганларига ҳамма ҳай-
рон эди. Тўрт кундан сўнг раис яна шифо-
хонага келди.

— Баракалла, йигитлар, баракалла! Ёш
жонларингни хавф остига қўйиб, қўйларни
қишлоққа омон келтирганингиз учун сиз-
ларни алоҳида мукофотлайман. Аввал ту-
залиб олинглар, кейин сизларга яна янги
вазифа бор. Донйёр отанинг кўрасига ҳам
қашқирлар қаласи тегибди. Бу ердан тўғри
ўша жойга йўл оласизлар, — деб қўлидаги
халталарни уларнинг олдига қўйди.

Қашқир сўзини эшитиши билан чўпон
йигитларнинг қўз ўнги қоронғилашиб кетди.

— Йўқ, раис бува, энди биз чўпонлик
қилмаймиз. Ундан қўра қишлоқда гишт қўй-
иб, далада кетмон чопганимиз яхши, —
дейишди бирин-кетин.

Шу воқеадан кейин икки йигит тоққа
бошқа яқинлашмади. Донйёр отанинг кўра-
сини қашқирлар хонавайрон қилгани ҳақи-
даги хабар эса қишлоққа зумда тарқалди.
Кейинроқ айтишларича, қашқирлар тоғда
отиб ўлдирилган она бўри учун ўч олиш
мақсадида шундай қилганимиз. Яна ким би-
лади дейсиз?

Равшанбек УБАЕВ

Hurriyat
Mustaqil gazeti



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Адади: 4 262

Буюртма — Г-744

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 00³⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2183-0680



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзилмиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.